

Аёл-қизларимизнинг иффати...

Қуръони каримда қавм тилидан бундай зикр этилган:

يَا أُخْتَ هَارُونَ مَا كَانَ أَبُوكِ امْرَأً
سَوْءٍ وَمَا كَانَتْ أُمَّكَ بَغِيًّا

«"Эй Ҳоруннинг синглиси, отанг ёмон бўлган эмас ва онанг ҳам бузуқ бўлмаган эди-ку!" дедилар» (Марям сураси, 28-оят).

Аслида, Марям онамиз Мусо алайҳиссаломнинг биродари Ҳорун алайҳиссаломнинг синглиси эмас, балки у зотнинг наслидан эди. Шунинг учун қавм Марямга Ҳорун алайҳиссаломнинг нисбатини бериб, “Ҳоруннинг синглиси” деб мурожаат қилмоқда. "Отанг Имрон ёмон одам эмас эди, онанг Ҳанна ҳам бузуқ хотин эмас эди, сен қандай қилиб эрга тегмай туриб, бола туғиб олдинг?" демоқчи бўлишди. Қавм буни очиқ айтмаса ҳам, унинг таънасида шу маъно англашилади. Уларнинг сўзларидан Биби Марямни зинокорликда айблашга ишора очиқ-ойдин сезилиб турибди.

Эътибор берсангиз, қавм акани, ота-онани зикр қиляпти. Чунки қизнинг тарбиясига ота-она, ака-укалар, турмушга чиққанидан сўнг эса, эри масъул бўлади. Ушбу суранинг кейинги оятларида Биби Марям зинодан ҳомиладор бўлмаганлари, йўрғада кўтариб келган болалари Аллоҳнинг улуғ мўъжизаларидан бири Исо алайҳиссалом экани баён қилинган.

Демак, эр-йигитлар аёл-қизларимизнинг ор-номуси, иффатини сақлашлари, уларни тарбия ва ҳимоя қилишлари лозим.

Бугунги кунда аёл кишининг дафн маросимида маҳрам қариндошлари қабрининг атрофини ўраб, номаҳрамлар яқинлашмасин деб текилинч ҳосил қилади. Овозларини баланд кўтариб: “Маййитнинг устини ёпинглар, қабрни тўсинглар”, деган гаплар янграйди. Буларнинг ҳаммасига ўша тобутда ётган аёлга бўлган ҳимоялаш, қизғаниш туйғулари сабаб бўлади.

Аммо аёл-қизларимизни улар ҳаёт чоғларида турли ёмонликлардан асрашимиз, ҳимоялашимиз, ёрдам беришимиз янада муҳимроқдир.

Чунки аёл-қизларимизнинг иффати отасининг тарбиясидан, онасининг меҳрибонлиги, ака-укаларининг ҳимоясидан, эрининг рашкидан, ҳамияти ва мардлигидан ҳикоя қилади.

Бугунги кунда баланд овозларда янграётган айрим эркинликлар диний-миллий қадриятларимиздан воз кечиш дегани эмас. Балки чинакам маданият диний қадриятларга, ахлоққа амал қилиш, ҳаёиффат ила безанишдир. Ҳар бир ота, ака, бобо ва эр ўзига қарашли маҳрам аёлларни моддий ва маънавий зарарлардан эҳтиёт қилиши, уларни қизғаниши лозим.

Нозимжон ҲОШИМЖОН

Оқилла аёл...

Улуғларимизайтадилар: «Эрингиз учун зийнатланинг! Набий соллаллоху алайҳи ва саллам: **“Хотинларнинг энг яхшиси (эри) унга қараганида шодлантирадиганидир”**, деганлар» (Имом Аҳмад ва Имом Насоий ривояти).

Эй аёллар! Эрингиз асабий ва чарчаб келганида уларни тўғри тушунишга ҳаракат қилинг. Уйга кириб келганида табассумингизни дариф тутманг. Чунки ташқаридаги олам машаққатлидир. Эркаклар рўзғорни эплаш, бир луқма ризқ топишда қандай қийинчиликларни бошдан ўтказаяётганларини яхши билмайсиз.

Бир аёл шайхга:

– Турмушга чиқишимдан аввал кундузлари рўзадор ва тунлари ибодатда қоим қиз эдим. Қуръон тиловатида ажиб лаззатни туярдим. Ҳозир эса (турмушга чиққанымдан сўнг) ибодат ҳаловатини йўқотиб қўйгандекман, – деди.

Шайх:

– Эрингга эътиборинг қандай? – деб сўради.

Аёл:

– Сизга Қуръон, рўза, намоз ва ибодат ҳаловатини гапирсам, сиз мендан эримни сўраяпсизми?! – деди.

Шунда шайх:

– Ҳа, синглим, шундай! Нима учун баъзи аёллар иймон ҳаловати, тоат лаззати ва ибодат асо-

ратини тополмай қолишади, биласанми? Чунки Расулulloҳ соллаллоху алайҳи ва саллам бу ҳақда: **“Аёл киши токи эрининг ҳақларини адо этмас экан, иймон ҳаловатини топа олмайди”**, деганлар (Имом Ҳоким ривояти), – дея жавоб берди.

Қадимда Хадийжа Амудий исмли аёл Имом Камолиддин Дамийрийнинг “Нажмул ваҳҳаж фий шарҳил Минҳаж” китобини қоғозга кўчирган. Китоб 10 жилддан иборат. У: “Агар бирор сўз тушиб қолганини топсангиз, мени маъзур тутинглар, чунки уни болам эмизикли пайтида кўчирганман”, деган (Муртазо Зубайдийнинг **“Тождул арус мин жаваҳирил қомус”** китобидан).

Яна бир аёл – Марям Абдулқодир Абу Наср Жавҳарийнинг машҳур “Сихоҳул Жавҳарий” (“Тождул луғоти ва сихоҳил арабийя”) китобини қоғозга кўчирган. У 6 жилддир. Аёл: “Ким мен ёзган нусхадан хато топса, маъзур тутишини сўрайман. Чунки ўнг қўлимда кўчириб, чап қўлимда бешик тебратганман”, деган (**“Хаттул арабий”** китобидан).

Анвар АҲМАД тайёрлади.

Мундарижа



Эркакларга эслатамиз

Аёл-қизларимизнинг иффати... ..	1
<i>Олтин ўғитлар</i>	
Оқила аёл.....	2
<i>Саҳобиялар ибрати</i>	
Икки улуғ фазилат соҳибаси	4
<i>Ҳадислардан фойдалар</i>	
Итоат одобдан устундир.....	6
<i>Яхшиликка чақириш</i>	
Унутмайлик – ҳар дам имтиҳондамиз	8
<i>Билимсизликнинг давоси</i>	
Туғма кўринишни ўзгартириш гуноҳ бўладими?	10
<i>Мазҳабимизни ўрганамиз</i>	
Имоми Аъзамнинг Абу Юсуфга насиҳатлари.....	12
<i>Farzandingizga o'qib bering</i>	
“Ey Abdulloh, sen mendan ko'ra olimroq eding...”	14
<i>Ибратли воқеалар</i>	
Ихлосли инсонлар оз эмас.....	15
<i>Бир оят маънолари</i>	
Яхшилик мукофотсиз қолмас	16
<i>Отинойи минбари</i>	
Жанжал нимадан чиқади?.....	18
<i>Ҳаётий ҳикоялар</i>	
Хайрни хуш кўрган хушнуд бўлар.....	19
<i>Яхшиликка чақириш</i>	
Яхши исм, тўғри тарбия, солиҳлар дуоси... ..	20
<i>Ёмонликдан қайтариш</i>	
Исрофни аёллар бошлайдими?	22
<i>Огоҳлик – давр талаби</i>	
Сохта салафийлар – бузгунчилардир	23
<i>Ҳар ҳолатда яхшидир</i>	
Ғам-андуҳни кетказишнинг йигирма етти йўли	24
<i>Ислоҳ ҳимояси</i>	
Аёл меҳр билан онадир.....	26
<i>Эслатма</i>	
“Болам, сени яхши кўраман”	27
<i>Мутолаа</i>	
Ўгай она.....	28
<i>Ислоҳ тамаддуни тарихидан</i>	
Мансурий шифохонаси.....	30
<i>Ошхона одоблари</i>	
Идишлар ҳам истиффор айтади	32

Икки улуғ фазилат соҳибаси



Аллоҳ таоло саҳобия аёл Умму Мунзир бинти Қайс сиймосида кўпдан-кўп гўзал фазилатларни жамлади. У Расулуллоҳ алайҳиссалом отасининг холаларидан эди. Ибн Абдул Барр айтади: “Умму Мунзир Сулайт ибн Қайснинг синглиси... Сулайт эса Бадр, Ухуд, Хандақ жангларида қатнашган ғозийдир”. Умму Мунзирнинг опаси ва синглиси – Умму Сулайм бинти Қайс ҳамда Умайра бинти Қайс ҳам Исломга кирган ва Расулуллоҳга байъат қилган эди.

Умму Мунзир Исломга кирган дастлабки аёллардан. Мушриклар озори кучайгач, саҳобаларга Мадинаи мунавварага кўчишга рухсат берилди. Бироз вақт ўтиб, Аллоҳ Ўз расулига ҳам Мадина

нага ҳижрат қилишга изн берди. У зотнинг ташрифлари туфайли Мадинаи мунаввара ёришиб кетди. Ҳабибимиз келишлари билан ансорлар қалби саодат ва сурурга тўлди. Умму Мунзир ҳам аёллар билан биргаликда Пайғамбар алайҳиссаломга байъат қилиш учун йўлга чиқди.

Унинг ўзи бундай ҳикоя қилади: «Мен Расулуллоҳнинг ҳузурларига бориб, ансорий аёллар билан биргаликда байъат қилдим. У зот бизга Аллоҳга ҳеч нарсани шерик келтирмаслик, ўғрилиқ ва зино қилмаслик, болаларимизни ўлдирмаслик, бўҳтон тўқимаслик, яхши амалда у зотга осий бўлмаслик шартларини кўйдилар. Набий алайҳиссалом: **“Эрларингни алдаманглар”**, деганларидан сўнг биз у зот айтганларига рози бўлиб, байъат қилгач, ортимизга қайтдик. Сўнг мен шу аёллардан бирига: “Изингга қайт, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан эримизни алдаш нима эканини сўраб кел”, дедим. У аёл келиб деди: “Мен у зотдан сўрадим. **“Эрингинг молини олиб, бировнинг кўзига яхши кўринишинг”**, дедилар» (Имом Аҳмад, Имом Табароний ривояти).

Бу улуғ саҳобия аёл умрини илмга бағишлади. У Аллоҳнинг Китобини тиловат қилар ва ҳадисларни ёдларди. Умму Мунзир Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан икки қиблага қараб намоз ўқиш бахтига муяссар бўлган кам сонли аёллардан.



* * *

Бу улуғ саҳобия Расулulloҳ алайҳиссалом наздларида буюк обрў-мартаба соҳибаси эди. У зот Умму Мунзирга эҳтиром кўрсатар эдилар. Аҳён-аҳёнда уникага бориб турар, зиёратда уни хослар, пиширган таоми мазали ва баракали эканини айтиб мақтаб кўяр эдилар. Умму Мунзир бундай ҳикоя қилади: «Расулulloҳ меникига Али розийаллоҳу анҳу билан бирга келдилар. Ўшанда Али розийаллоҳу анҳу бетобликдан тузалаётганди, дармони йўқ эди. Шифтга илиб қўйилган хурمولаримиз бор эди. Расулulloҳ ўрниларидан туриб, илинган мевадан ея бошладилар. Али ҳам емоқчи бўлиб ўрнидан турди. Шунда у зот: **“Эй Али, ҳали сен касалдан тўлиқ тuzалмагансан”**, дедилар. Бу гапдан кейин у ейишдан тийилди. Мен арпа билан қандлавлagini қайнатиб келтирдим. Шунда Расулulloҳ алайҳиссалом: **“Эй Али, бундан татиб кўр, сенга фойдаси бор”**, дедилар» (Имом Ибн Можя ривояти).

* * *

Мана, Умму Мунзир иккинчи марта байъат бермоқда. Лекин у бу гал Аллоҳ таолонинг розилигини қозониш учун дарахт остида Ризвон байъатини бермоқда эди. Пайғамбаримиз алайҳиссалом умрага бориш учун асҳоблари билан Макка сари юрганларини билиб қолиб, қурайшликлар мусулмонларни Байтуллоҳдан тўсдилар. Шунда Пайғамбаримиз алайҳиссалом улар билан жанг қилиш учун келмаганини билдириш учун Усмон ибн Аффонни элчи қилиб жўнатдилар. Қурайшликлар ҳазрати Усмонни қамаб қўйдилар. Бу ҳибс чўзилиб кетганидан мусулмонлар орасида Усмон қатл этилганмиш, деган гап

тарқалди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Биз бу қавм билан орани очик қилмасдан бу ердан қўзғалмай-миз”**, дедилар (Ибн Ҳишом ривояти). Сўнг асҳобларини чақириб, дарахт остида байъат олдилар. Ҳазрати Умар Расулulloҳ алайҳиссаломнинг бир қўлларини ушлаб турар, Маъқал ибн Ясор эса у зотнинг устиларидаги бир новдани халақит бермасин, дея кўтариб турар эди (Имом Муслим ва Имом Аҳмад ривояти).

Умму Мунзир розийаллоҳу анҳо дунё ва охираат яхшилигига эришиш учун дарахт остида байъат берди. Аллоҳ таоло ундан рози бўлди ва танасини дўзахга ҳаром қилди. Зеро, Расули акрам: **“Дарахт тагида байъат берганлардан биронтаси дўзахга кирмайди”**, дедилар (Имом Муслим, Имом Термизий, Имом Аҳмад, Имом Абу Довуд ривояти).

* * *

Умму Мунзир розийаллоҳу анҳо Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламдан кўплаб ҳадисларни ёдлаб, ривоят қилди. Ундан Умму Сулайт ибн Айюб ибн Ҳакам, Айюб ибн Абдурахмон, мадиналик Яъқуб ибн Абу Яъқуб ҳадис ривоят этишган.

Икки байъат соҳибаси ҳамда икки қиблага қараб намоз ўқиган Умму Мунзирнинг руҳи боқий оламлар томон парвоз этди. Улардек улуғ зотларнинг ҳақиқий дунёдаги ҳаёти ҳақида бундай хабар қилинган: **“Албатта, тақводор зотлар жаннатларда ва дарёлар (усти)да, Қодир Подшоҳ ҳузуридаги рози бўлинган ўринда бўлурлар”** (Қамар сураси, 54–55-оятлар).

Манбалар асосида
Бағдод шаҳарчаси Ўзбекистон маҳалласи
отинойиси **Замирахон БОЙМИРЗАЕВА**
тайёрлади.

Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳ усто-зи Ҳаммоддан, у Иброҳимдан, у Асваддан, у Ойша розийаллоҳу анҳодан ривоят қилади: «Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам вафотларидан олдин иситма сабаб бемажол бўлдилар. Намоз вақти кирганида, Ойшага: **“Абу Бакрга буюргин, одамларга намоз ўқиб берсин”**, дедилар. Ойша онамиз Абу Бакр розийаллоҳу анҳуга: “Набий алайҳиссалом сизга одамларга намоз ўқиб беришни буюрдилар”, деди. Абу Бакр розийаллоҳу анҳу: “Эй қизалоғим, мен ёши улуғ, кўнгли бўш мўйсафидман, Расулуллоҳни ўз жойларида кўрмасам, йиғлаб юбораман. Сен Ҳафса билан бирга Расулуллоҳга айт, у зот Умар розийаллоҳу анҳуга айтсинлар, у одамларга намоз ўқиб берсин”, деди. Ойша шундай қилди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Сизлар Юсуф алайҳиссаломга фитна қилган аёллардансиз. Абу Бакрга айт, одамларга намоз ўқиб берсин”**, дедилар. Намозга такбир айтилганида: **“Мени кўтаринглар, менга ёрдам беринглар. Мен намозга чиқиб роҳатланмоқчиман”**, дедилар. Ойша розийаллоҳу анҳо: “Сиз бетобсиз-ку, мен Абу Бакр розийаллоҳу анҳуга одамларга намоз ўқиб беришни буюрдим”, деди. У зот: **“Мени кўтаринглар, мен намозни кўз қувончи деб биламан”**, дедилар. У зот икки


одам ўртасида суяниб оёқлари ерга судралган ҳолатда намозга чиқдилар. Абу Бакр розийаллоҳу анҳу у зотнинг оёқтовушларини эшитиб қараганида, Набий алайҳиссалом: **“Жойингда тур!”** деб ишора қилдилар. Абу Бакр розийаллоҳу анҳунинг чап ёнидан олдинроққа ўтирдилар. Намознинг такбирларини айтдилар. Одамлар Абу Бакр розийаллоҳу анҳунинг такбирларини эшитиб, такбир айтиб, намозларини тугатдилар. Шундан сўнг Расулуллоҳ

вафот этгунларига қадар жамоат билан бошқа намоз ўқимадилар. Абу Бакр розийаллоҳу анҳу имом бўлиб турди. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам жон бергунларича бемор бўлдилар» (Имоми Аъзам, “Муснад”, 79-ҳадис).

Абу Бакр Сиддиқ розийаллоҳу анҳу кўнгли юмшоқ, намозда кўп йиғлайдиган киши эди. Бу ҳолни яхши билган қизи Ойша онамиз “Абу Бакр розийаллоҳу анҳунинг Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ўринларида туриб намозга ўтиши мақсадга мувофиқ бўлармикин”, деган мулоҳазага келди ва буни Набий алайҳиссаломга билдирди.

Расули акрам алайҳиссалом худди Ойша онамизнинг гапларини эшитмагандек, яна аввалги

Итоат Одобдан устундир



гапларини такрорладилар. Ойша она-миз: “Пайғамбар беморликлари туфайли гапимни яхши эшитмадилар”, деб ўйлаб, ўзининг аввалги гапларини такрорлади.

Шунда Коинот сарвари: **“Сен Абу Бакрга айт, одамларга намоз ўқиб берсин”**, дедилар.

Ушбу ҳадиси шариф оилада эр ва хотин ўртасидаги одоб ва итоат нималардан иборат эканини кўрсатади. Эрнинг сўзини икки қилмасдан, унга итоат этиш солиха аёлнинг бурчи экани намоён бўлади.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: **“Сиз (аёл)лар Юсуфнинг соҳибаларисиз”**, деган сўзлари Юсуф алайҳиссалом нафс ғалаён қилганида ҳам, ақлини йиғиб, уй эгасининг яхшилигини эслаб: **“Аллоҳ сақласин! Ахир, у (эринг) хожам-ку?! Менга яхши жой берган бўлса?! Золимлар, зотан, нажот топмаслар”**, деган (Юсуф сураси, 23-оят).

Ҳадиси шарифдан ўрганганларимиз:

– эркак киши аёлини айрим кинояли сўзлар билан йўлга солиши мумкин;

– аёл киши эрининг буйруғига сўзсиз итоат этиши лозим;

– буйруққа итоат одобдан юқори туради;

– қалтис ҳолат юз берганида, аёлларда ҳис-ҳаяжон кучаяди, эркакларда ақл-мулоҳаза иш бериши кузатилади. Бу ҳолда ақлга суяниш яхшироқ экани таълим берилди;

– илм олиш ва таълим беришда қатъият ҳамда вазминлик билан мақсадга эришилади;

– Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам охирги дамларида ҳам олий хулқ намунаси бўлганлар.

Манбалар асосида
ЎзХИА магистранти
Насиба АТАБАЕВА тайёрлади.

Умму Ҳассон раҳматуллоҳи таоло

Куфа аҳлининг зуҳҳодидин (зоҳид) эрмиш. Суфён Саврий анинг зиёратиға борур эрмиш. Ва баъзи дебдурларки, ани хотунлуққа қўлубдур (сўрабди). Суфён дебдурки, бир кун анинг уйига кирдим, бир эски бурёдин (тўшамчи) ўзга нима йўқ эрди. Дедим: агар бир руқъа (мактуб) амакизодаларингға битилса, сенинг ҳолинг риояти (эътибор) қилурлар. Деди: эй Суфён, менинг кўз ва кўнглумга бундин бурун улугроқ эрдинг. Мен ҳаргиз дунёни савол қилмон ул кишидинки, анга моликдур ва қодирдур ва мутасарриф. Нечук савол қилғаймен андинки, анга қодир эрмас? Эй Суфён, валлоҳки, мен севмасменки, манга бир дам ўтгайки, ул дам Тенгридин ғофил бўлуб, анинг ғайриға машғул бўлғаймен. Суфён ул сўздин йиғлади.

Имраъату Хоразмия раҳматуллоҳа таоло

Ва ҳам Имом Ёфиъий ўз тарихида уламнинг биридин нақл қилурким, дебдурки, Хоразм навоҳийсида бир хотун кўрдумки, йигирма йилдин ортуқроқ егулик ва ичгуликдин ҳеч иштиғол (машғуллик) кўргузмайдур, (яъни жуда ҳам оз овқат ер ва доим рўза тутар, зикр-тасбеҳ қилар) эрди. Валлоҳу аълам.

Алишер НАВОЙЙнинг
“Насойимул-муҳаббат мин
шамойимул-футувват” асаридан

Унутмайлик – ҳар дам ИМТИҲОНДАМИЗ

Бугун дазмол қилаётиб ўзим учун қизиқ ибрат чиқардим.

Турмушга чиққанамга бир неча йил бўлди. Шу йиллар давомида уйда фақат ўзим дазмол қиламан. Янги келин бўлиб тушганимда бегим: “Бир марта дазмол қилиб кўрсатиб бераман, қараб турасиз, бундан кейин шунақа қиласиз”, деганди. Шу-шу дазмоллаш мен учун қизиқарли юмушга айланди. Хуллас, шу йиллар мобайнида бирор марта кийимни куйдириб олганимни эслолмайман, алҳамдулиллаҳ. Шу оддийгина иш учун ўзимдан хурсанд бўлиб, “дазмоллаш фанлари номзоди”ман-да,

деб мақтанардим.

Шу кунларда сафарга чиқишга тўғри келди. Йўлга чиқишдан аввал хўжайинимнинг бир нечта кийимларини тайёрлаб, жомадонга жойладим. Сафардалигимизда “Фалон кийимимни тайёрланг”, деб қолди. Дазмолни ёқдим, бир дақиқа ўтмай, уни матонинг четига босганимни биламан, (бу қадар қизиқ кетмаслиги керак эди) пиёладек жойини узиб олса денг!

Яхшиям аввал ўзимнинг рўмолимга босган эканман! Худога шукр...

Нега куйдириб олдим, унақа қилмасдим-ку?!

Дазмолга бошқатдан яхшилаб қарадим: нисба-

тан энгил, темир қопламали, оддийгина экан. Уйда ишлатганим эса хийла оғир, дазмоллайдиган тарафи керамика, қимматидан эди...

Шунда бошимга бир нима урилгандек бўлди: энди билдим, мен яхши дазмолловчи аёл эмас, яхши дазмоли бор аёл эканман! Кийимлар куймаганининг ҳикматини ўзимдан қидириб юрган эканман, холос.

Умуман, ҳаётда кўп нарсада шундай.

Бир вақтнинг ўзида бир неча жойда фаолият юритганим боис турли ёш ва тоифадаги аёллар билан суҳбатлашишга тўғри келади. Уларнинг орасида оилали,



ажрашган, бева, ҳали турмуш қурмаганлари, қайта турмуш қилганлари ҳам бор. Баъзан ўта кибрилар ҳам учрайди. Афсуски, бундайлар ўзга хотин-қизларга таъна қилишни, турли айб, бўҳтонлар ёғдиришни маъқул кўради. Улар ҳақорат-таъна қилаётганлар орасида фан номзодлари, олималар, ўз соҳасининг етук вакиллари бор. Уларнинг айблари ҳали бахтлари очилмагани ё эри вафот этгани ёки Аллоҳнинг қадари билан бир нокасага учраб, оиласи бўлмаганидир.

Бундай таъна қилувчиларга дуч келсам, индамай, “Аллоҳ ҳидоят қилсин”, дейман ичимда.

Яхши шароитда эканимиз кароматимиз билан бўлмаганидек, ҳаёт синовида бўлган аёлларнинг ҳоллари ҳамуларнинг ёмонликлари сабабли эмас. Қадар бу. Демак, яхши ҳаётни кўпам чаққонлигу уддабуронликка йўявермаслик керак.

Тулука дазмол билан имтиҳон қилинса, Аллоҳ сақласин, ана ўшанда биламиз кимлигимизни.

Яхшиликнинг ҳам, ёмонликнинг ҳам Аллоҳдан эканига иймон келтириб, муваффақият фақат У Зотдан эканини бот-бот эслаб имтиҳонда эканимизни унутмайлик. Бо-

шимизга бало келмагани бизнинг уддабуронлигимиздан эмас. Ҳатто унинг сабаби ўзимиз бўлмаслигимиз ҳам мумкин. Ҳаммаси Аллоҳдан.

Тилга эҳтиёт бўлайлик: ҳақорат қилиб турганларимиз заифларнинг ҳолидан ашаддийроғи бугун шамолдан ҳам авайлаб катта қилаётган қизларимиз бошига келиши ҳеч гап эмас.



Сукут ҳикматдандир

Зафар вақтидаги сукут – ишончдир.

Ғазаб вақтида сукут – қувватдир.

Иш вақтида сукут – ижодкорликдир.

Ёмонлик вақтида сукут – ҳикматдир.

Мазах вақтида сукут – олийжанобликдир.

Фитна вақтида сукут – ғалабадир.

Насихат вақтида сукут – адабдир.

Қайғу вақтида сукут – шикоятнинг фақат Аллоҳга эканидир.

Сукутингдан кўра сўзлашинг фойдалироқ бўлсагина, гапиргин.



Муоз ибн Жабал розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Ким биродарини бир гуноҳда айбласа, ўзи ўша (иш)ни**

қилмай туриб ўлмайди”, дедилар (*Имом Термизий ривояти*). Ҳеч биримиз сигналмасдан имтиҳонлардан ўтган ҳисобланмаймиз, қилмаганимиз гуноҳнинг маъсуми ҳам эмасмиз. Ҳеч биримиз. Инсон баъзан умр бўйи ифбатли ва инсоф соҳиблари орасида яшаган, ҳамма унинг риоясини қилиб яшагани учун ўзини ҳам яхши ва ҳаёли санаб юради. Имтиҳон келганда эса қандай тойилганини билмай қолади, Аллоҳ асрасин.

Синовлар эса фақат ёмонлик билан бўлмайди. Ўзимиздан бўлмаган яхшиликларимиз билан гердаиб юрганда ҳам синовда бўламиз. Инсон биродарининг синови билан синалади, дейдилар. Яъни зоҳиран синов унга келган, аммо унга қиладиган муомаламиз билан биз синалаётган бўламиз. Аллоҳ таоло Китобида: **“... Биз сизларни ёмонлик ва яхшилик ила имтиҳон учун синаймиз...”** (*Анбиё сураси, 35-оят*) деб огоҳлантиради.

Аллоҳ таоло жумламизни тавфиқ фақат Аллоҳдан эканини ҳис этиб яшаш бахтини насиб этсин.

Робия

НАЖМИДДИНОВА,

Имом Бухорий номидаги

Тошкент ислом

институтини ўқитувчиси



Туғма кўринишни ўзгартириш гуноҳ бўладими?

САВОЛ: Иймон, ихлос Аллоҳ таоло тарафидан бериладими ёки инсон ҳаракат қилиб эришадими?

ЖАВОБ: Имоми Аъзам раҳимаҳуллоҳ “Ал-фиқҳул акбар” китобида бундай ёзади: “Аллоҳ махлуқларни куфрдан ва иймондан холи яратди. Сўнгра уларга расуллари орқали хитоб қилди, иймон ва тоатга буюрди, куфр ва гуноҳдан қайтарди. Сўнг кофир бўлган ўз феъли, инкори, ўжарлиги билан ва Аллоҳ таолонинг унга мадади бўлмаганидан кофир бўлади. Мўмин бўлган ўз феъли, иқрори, тасдиқи, Аллоҳ таолонинг унга тавфиқи ва мадади билан мўмин бўлади”.

“Ҳидоят Аллоҳдандир” жумласининг маъноси Аллоҳ таоло Ўзининг борлиги ва бирлигини англашга бандани муваффақ қилишидир.

Аллоҳ таоло бандага яхшилик ёки ёмонлик, иймон ё куфрни танлаш ихтиёрини берган. Банда унга берилган ихтиёр билан, ақл билан Аллоҳ таолога иймон келтиришни хоҳласа ва Аллоҳ таоло уни ҳидоят қилса, у иймонли бўлади.

САВОЛ: Ҳар ракатда Фотиҳа сурасидан аввал басмала айтиладими ёки ракат бошида Фотиҳадан олдин истиоза ва басмалани айтиш кифоями?

ЖАВОБ: Биринчи ракатда Фотиҳа сурасидан аввал “Аъзу биллаҳи минаш-шайтонир роҳийм” ва “Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм”ни, кейинги ракатларда эса фақат Фотиҳа сурасидан аввал “Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм”ни айтиш суннатдир.

САВОЛ: Тошкентга 15 кундан кўп турман, деб ният қилиб келувдим. Намозларимни тўлиқ ўқиётгандим. Уч-тўрт кун олдин вилоятимга бориб келдим, лекин уйимга борганим йўқ. Уйга бир-икки километр узоқликдаги йўлдан ўтиб, бошқа туманга бориб келдим. Бу сафар келаётганимда 10 кунда уйимга боришни ният қилдим. Фарзларни тўлиқ ўқийманми ёки қаср қилибми?

ЖАВОБ: Вилоятингиздан иш жойингизгача масофа сафар масофаси бўлса, ўн кундан кейин уйингизга қайтишни ният қилган бўлсангиз, мусофир бўласиз. Уйингизга етиб боргунча намозларни қаср ўқийсиз.

САВОЛ: Тоққа икки кунга оилавий дам олишга борсак, намозни қаср қилиб ўқиймизми ёки тўлиқ ўқиймизми? Масофа 200 km атрофида..



ЖАВОБ: Тўрт ракатли фарз намозларни қаср қилиб икки ракатдан ўқийсиз. Суннатларни тўлиқ адо этасиз.

САВОЛ: Таҳоратли бўлатуриб тирноқ олиш таҳоратни бузадими?

ЖАВОБ: Йўқ, таҳорати бор киши тирноқ олиши билан таҳорати бузилмайди. Тирноқ олишда бармоғи қонаб, ёнига оқса,



таҳорати бузилади. Таҳорати бор аёл сочи-ни тартибга келтириб, турмаклатиши ҳам таҳоратни бузмайди.

САВОЛ: Намозда ташаххуд икки марта такрорлаб ўқиб қўйилса, саждаи саҳв қилиш керакми?

ЖАВОБ: Агар намозхон тўрт ракатли намознинг аввалги қаъдасида икки марта ташаххуд (“Аттаҳиййату лиллаҳи...” дуоси)ни ўқиган бўлса, бунда учинчи ракатнинг қиёмини кечиктиргани сабабли саждаи саҳв қилиши керак бўлади. Агар тўртинчи ракатда, яъни охирги қаъдада шу иш содир бўлса, саждаи саҳв вожиб бўлмайди.

Бу ҳақда “Муҳийт ал-Бурҳоний” китобида бундай дейилган: “Биринчи қаъдада ташаххудни такрорласа, саждаи саҳв қилиши лозим бўлади. Агар ташаххудни иккинчи қаъдада такрорласа, саждаи саҳв вожиб бўлмайди” (1-жуз, 505-бет).

САВОЛ: Сигирнинг сўлаги теккан кийимда намоз ўқиш жоизми?

ЖАВОБ: Шариатимизда гўшти ейилдиган ҳайвонлар (сигир, туя, қўй ва эчки)нинг сўлаги, сарқити (қолдирган суви, оғзи теккан нарсалар) нопок ҳисобланмайди. Сигирнинг сўлаги теккан кийим билан намоз ўқиш жоиз.

САВОЛ: Маҳзунликдан чиқишга чора топа олмаяпман. Қандай дуо ўқисам бўлади?

ЖАВОБ: “Лā ҳавла ва лā қуввата иллā биллаҳ” калимасини кўп айтиб юринг. Имом Табароний ва Имом Ҳоким Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «*Ким “Лā ҳавла ва лā қуввата иллā биллаҳ”ни айтса, тўқсон тўққиз дардга даво бўлади. Энг энгили ғамдир*», деганлар.

САВОЛ: Қуръони каримни, албатта, битта Мусхафда хатм қилиш шартми?

Сафарда, ишда, Мусхафни олиб юриш имкони бўлмаса, бошқа Мусхафда хатмни давом эттирса бўладими?

ЖАВОБ: Ҳа, бўлади.



САВОЛ: Синглим тиббиёт олийгоҳида ўқийди, энди ўзига маъқул йўналишни танламоқчи. У пластик хирургияга қизиқиб қолган, яъни оғиз, бурун, қулоқ кабиларда ташқи кўриниш жиҳатидан нуқсонлар (масалан, қийшиқ) бўлса, тўғрилаш, даволаш билан шуғулланаркан. Эшитишимча, инсон терисини кесиш гуноҳ ҳисобланаркан. Шундайми?

ЖАВОБ: Туғма кўринишни ҳеч бир эҳтиёж бўлмасдан ўзгартириш гуноҳдир. Аммо баъзи сабаблар билан соғлиққа салбий таъсир этадиган бўлса, табиий кўринишларни ҳам тўғрилаш – ўзгартириш жоиз.

САВОЛ: Гайморит бўлган одам таҳоратда сув ишлатганида касалликка таъсир қилса, дўхтир юзга сув теккизишни ман қилган бўлса, таяммум билан намоз ўқиши мумкинми?

ЖАВОБ: У ҳолатда таҳорат олувчи қўлни илиқ сувда хўллаб, юзига масҳ тортади, ювиладиган аъзоларини ювади.

САВОЛ: Ўғил фарзандли бўлсам, унга отамнинг исмини қўймоқчиман. Шундай қилиш жоизми?

ЖАВОБ: Киши фарзандига отасининг исмини қўйиши жоиз.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси
Фатво маркази
(78) 150-44-88

Имоми Аъзамнинг Абу Юсуфга насиҳатлари

Мазҳаббошимиз, мужҳатид аллома Имоми Аъзам Нўъмон ибн Собит раҳимахуллоҳнинг ушбу насиҳатлари етук шогирди Имом Абу Юсуфга қаратилган бўлса-да, улар барча илм толибалари, айниқса, отинийлар учун ҳам ўта муҳимдир. Опа-сингилларимизга ушбу насиҳатлардан фаолиятлари давомида, тарбия жараёнида муҳим қўлланма сифатида фойдаланишларини тавсия этамиз. Зеро, Қуръони каримда эркаклар учун келган амр ва қайтариқлар аёлларга ҳам тегишлидир.

Ушбу насиҳатлар Имоми Аъзам раҳимахуллоҳнинг Имом Абу Юсуф камолот ёшига етганидан сўнг, ажойиб хислатлари ва одамлар билан мулоқот қилиш салоҳияти намён бўлганида сеvimли шогирдига айтганларидир.

Имомимиз деди:

– Эй Ёқуб! Мўминлар амирининг ҳурматини ўрнига қўй, уни эъзозла, унинг ҳузурида ёлғон гапиришдан, бирор масала учун сени чақирмаса, унинг олдида киришдан ўзингни тий.

Халқ оммаси ва тожирлар ҳузурида фақат илм ҳақида сўзла. Агар сен улар олдида молу дунёдан сўз очсанг, улар сени молу давлатга ҳирси ва муҳаббатти, пора олишга майли бор экан деб, сен ҳақингда ёмон фикрга борадилар ва нотўғри ўйлайдилар. Кўча-кўйларда ўтирмагин. Агар бировни кутиш зарур бўлса, масжидда кутиб ўтир. Бозор, кўчаларда ва масжидларда асло овқатланма. Шойи матодан тикилган кийимларни кийма. Чунки бу бефаросатликка олиб боради.

Сен биринчи навбатда илм ол, сўнг-ра ҳалол йўл билан молу давлат орттир. Ана ундан кейингина уйлан. Агар илм олиш фурсатида мол топишга ҳаракат қилсанг, илмдан маҳрум бўлиб

қоласан. Одамларга беписанд бўлма. Ўзингни ҳам, бошқаларни ҳам ҳурмат қил. Агар бирор одам сендан бирор масала юзасидан фатво сўраб қолса, фақат унинг саволигагина жавоб бер. Унга ҳеч нарсани қўшимча қилма. Ортиқча сўзларинг унинг саволига берган жавобингни чалкаштириб қўяди.

Агар сен ўн йил касб-корсиз ва озиқ-овқатсиз қолсанг ҳам, илмдан юз ўгирма. Шогирдларингнинг илм олишга қизиқишларини кучайтир. Оми билан тортишма. Чунки бу сенинг обрўингни тўкади. Ҳақиқатни айтишда ҳеч кимдан тортинма.

Агар сендан бирор масалани сўрасалар, бу хусусда улар билан қизгин баҳсу мунозара қилиб ўтирма. Уларга фақат ҳужжат-далилларга асосланиб сўзла. Уларнинг устозларига таъна қилма. Акс ҳолда, улар ҳам сенга шу қабилда жавоб берадилар.

Мунозара мажлисида қўрқиб гапирма. Чунки бу изоҳлашга халал беради ва тилинг тутилиб қолишига сабабчи бўлади.

Кўп хоҳолаб кулаверма. Зеро, у қалбни ўлдиради. Доимо оҳиста юр. Юмушларда шошмашошарлик қилма. Сўзлаган вақтингда қичқириб, бақириб гапирма ва овозингни баланд қилма, ўзингни босиқ тут, кам ҳаракат қил. Шундай қилсанг, сенинг собитқадамлингни ҳаммага аён бўлади.

Ҳар намоздан сўнг Аллоҳ таолони

зикр қилишни, сенга берган неъматни учун Унга шукроналар айтишни одатга айлантир. Ўзингни назорат қил, илминг дунё ва охиратингга фойдали бўлиши учун ўзгаларга ғамхўрлик қил. Сен ўзинг олди-сотди қилиб юрма, рўзгор юмушларини қилиб туриш учун бирор-та ишончли одамни тайинлаб қўй.

Молу давлатингга ва мансабингга кўнгили боғлама. Чунки Аллоҳ таоло улар ҳақида сени сўроққа тутади.

Одамларнинг хатоларига эмас, тўғри ишларига эргаш. Агар бирорта одамнинг ёмон ишини билсанг, уни ўзига эслатма, балки ундан яхшилик иста ва унга яхшиликни эслат. Зеро, Пайғамбаримиз алайҳиссалом: **“Ёмоннинг ёмонлигини гапиринглар, токи одамлар ундан огоҳ бўлсинлар. Агар бадавлат ва мансабдор одам динга зарар етказадиган иш қилса, унинг ошкор айтинглари, уни обрўсига қараманглари. Зеро, Аллоҳ сенга мададкор. Сенга ва динингга нусрат берувчидир”**, деганлар. Агар Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганларини қилсанг, одамлар сендан ҳайиқадилар ва ҳеч ким динда бидъату хурофотни зоҳир қилишга журъат қила олмайди.

Ўлимни унутма. Устозинг ва бошқа илм ўргатганларга Аллоҳдан мағфират тила, Куръон ўқишда давомли бўл, мазорлар, муборак жойлар ва машоъихларни кўпроқ зиёрат қил. Кўшнингда кўрганнингни сир сақла. Чунки у сен учун бировнинг омонатидир. Одамларнинг сирларини фош қилма. Маслаҳат сўраганга билганингча маслаҳат бер. Бундай ишлар сени Аллоҳ таолога яқин қилади.

Ушбу панду насиҳатларимни қулоғингга қуйиб ол. Улар сенга фойда беражак. Ҳеч қачон бахил бўлма. Бахиллик одамларнинг ғазабини кўзғайди. Тамагир ҳам, ёлғончи ҳам бўлма.

Жиддий нарсани ҳазилга йўядиган, ҳақни ноҳақ билан қориштириб юборадиган бўлма. Барча ишларда қадрингни сақла. Кийимларнинг доим тозасини кий, ўзингнинг кўзи-кўнгли тўқ эканингни, молу дунёга ҳирс қўймаслигингни намоён эт. Гарчи камбағал бўлсанг ҳам, буни билдирма. Ҳимматли бўл, ҳимматсиз одам беобрў бўлади. Кўча-кўйда кетаётганингда ҳадеб ўнгу сўлингга боқаверма, балки ерга қараб юр.

Ақли норасолар билан гаплашишдан ўзингни сақла. Баҳс-мунозара қилиш одобини билмайдиган ва далилу ҳужжатларни эътироф этмайдиган, фақатгина сохта обрў орттиришни мақсад қилиб олган, одамлар олдида турли-туман масалалар сўраб, сени хижолат қилишни истаган, ҳақ эканингни билатуриб, инобатга олмайдиган баъзи бир аҳли илмлар билан гаплашиб ўтиришдан ўзингни тий. Одамлар орасида обрў-эътиборга эга бўлганлар ҳузурига кирганингда ўзлари ўтказишмаса, улардан олдинга ўтма, токи сенга озор етиб қолмасин. Бегона одамлар орасига кирсанг, сени ҳурмат юзасидан намозга ўтказмасалар, сен ўзингча уларга пешволик қилма. Илмий мажлисда зинҳор ғазабланма. Одамларга қисса ва ҳикоялардан сўзлама. Чунки уларнинг соҳиблари ёлғон тўқишдан холи эмас. Бирорта илмий мажлисга боришни мақсад қилсанг, фикҳга бағишланган мажлисгагина бор. Илмий мажлисда билганларингдан гапириб бер. Мажлисда сўз фатвога оид бўлганидагина у ҳақда сўзла. Акс ҳолда, жим ўтир.

Айтган ўғитларимни мenden қабул эт. Мен фақат сенинг ва мусулмонларнинг манфаати учун насиҳат қилмоқдаман.

(Давоми келгуси сонларда.)

Имоми Аъзамнинг “Асарлар”
китобидан қисқартириб олинди.

“Ey Abdulloh, sen mendan ko'ra olimroq eding...”

Abdulloh Rasululloh sollallohu alayhi va sallamning amakilari Abbasning o'g'lidir. U Nabiy alayhissalomning yonlarida yurib, birga o'tirib, hadislarini tinglab voyaga yetdi.

Rasululloh sollallohu alayhi va sallam Abdulloh tug'ilgan kuni uning haqqiga: **“Yo Alloh, uni dinda faqih qilgin va unga ta'vilni bildirgin”**, deb xayrli duo qildilar.

Abdulloh ilmni sevar, Qur'on va sunnatni o'rganishga astoydil intilardi. Shuning uchun u Rasululloh sollallohu alayhi va sallam bilan safarlarda qatnashdi, yaxshi va yomon kunlarda u zot bilan birga bo'ldi.

Payg'ambarimiz sollallohu alayhi va sallam boqiy dunyoga ko'chgan kezlarda uning yoshi o'n uchda edi. Payg'ambarlik kelganning ilk davrida, Qur'on to'liq nozil bo'lganidan keyin ham Payg'ambarimiz alayhissalomga hamroh bo'lgan sahobalardan ilm o'rganishga g'ayrat qildi.

Bir kuni u yaqin bir do'stiga: “Rasululloh sollallohu alayhi va sallamning sahobalari ko'p. Kel, ulardan ilm o'rganamiz”, dedi.

Do'sti: “Ey Abdulloh, qo'ysang-chi, odamlarning ilmingga muhtoj joylari bor deb

o'ylaysanmi? Axir, ular orasida Abu Bakr va Umar bor-ku!” dedi.

Abdulloh aytadi: “Men ilm talab qilishga, do'stim chavandozlikni o'rganishga kirishdi”. Kunlar o'tdi. Abdulloh qattiq mashaqqat chekib, olim va mufasssirga aylandi. Sahobalar u bilan mashvarat qiladigan bo'lishdi.

Rasululloh sollallohu alayhi va sallamning sahobalaridan ko'plari vafot etib ketdi. Bu orada odamlar Abdulloh roziyallohu anhu ning ilmiga ehtiyoj seza boshladi. Uning atrofida to'planib, ilm o'rganishardi. Jamiyatda uning ilmiga va fiqhiga ehtiyoj kattaligini ko'rgan do'sti: “Ey Abdulloh, sen mendan ko'ra olimroq eding (ya'ni kelajakka mendan ko'ra yaxshiroq nazar solding)”, dedi.

Abdulloh roziyallohu anhu Payg'ambarimiz alayhissalom vasiyatlariga binoan ilm talab qilishdan to'xtamadi. Sahobalardan hadis, Qur'on oyatlari tafsirini, g'oziy va g'azotlar xabarini o'rganishga kirishdi.

Abdulloh ibn Abbas o'zi haqida rivoyat qiladi: «Bir kuni Abdulloh sahobalardan birining hadis bilishini eshitib qoldi. So'rab o'rganish uchun uning uyiga bordi. Lekin sahoba bu vaqtda dam



olayotgan ekan. Abdulloh ridosini yostiq qilib taxlab, uying ostonasiga qo'ydi. Ust-boshi chang bo'lishiga qaramay, sahobaning uyg'onishini kutib, joyidan jilmadi. Sahoba uyg'onib, tashqariga chiqqanida ostonasida Abdullohni ko'rdi va: "Ey Payg'ambarimiz alayhissallomning amakivachchasi, nega ostonada o'tiribsiz? Meni chaqirtirish uchun odam jo'natsangiz, oldingizga o'zim borardim-ku!" dedi. Ibn Abbos roziyallohu anhumo: "Odobli shogird ilmni ham, muallimni ham e'zozlaydi. Huzuringizga kelishinga siz haqlisiz", dedi va undan hadisni so'rab o'rgandi».

Odamlar undan: "Ey Abdulloh, bunday ilmga qanday erishdingiz?" deb so'rashdi. Abdulloh roziyallohu anhu: "So'rovchi til va fahmlovchi qalb bilan", deb javob qildi.

Abdulloh Qur'oni karim oyatlari ma'nolarining ta'vili va tafsirini o'rgandi. Payg'ambarimiz alayhissalom masjidlarida odamlarga bir kun tahorat, namoz, zakot, haj va savdo-sotiq kabi ibodatlar kayfiyatini, yana bir kun Qur'on tafsirini, boshqa kuni esa g'azot ilmlarini o'rgatishga kirishdi.

Abdulloh roziyallohu anhu ilmda ummon kabi edi. Allohning oyatlarini o'qir, ularga amal qilar va odamlarga o'rgatardi. U tufayli ko'plab faqir, miskin va muhtojlarga taom, yo'lovchilarga suv berilardi.

Rasululloh sollallohu alayhi va sallam va u zotning sunnatlariga muhabbat Abdulloh ibn Abbosni buyuk olim bo'lib yetishishiga sabab bo'ldi. U nasl-nasabidan also g'arazli maqsadda foydalanmadi. Balki ilmga, olimlarga hurmat ko'rsatish va ularni qadrlashda barchaga go'zal namuna bo'ldi.

"Kim seni u zotdek yaxshi ko'radi?"
kitobidan **Yulduz KOMILOVA**
tarjimasi.

ИХЛОСЛИ ИНСОНЛАР ОЗ ЭМАС

Яқинда туман марказига электр энергия пулини тўлаш учун йўлга чиқдим. Йўл-йўлакай иш билан айрим жойларга тўхтаб ҳам ўтдим.

Туман электр тармоқлари идорасига бориб, энди пулини тўламоқчи эдим, чўнтагимга қўл солсам, пул йўқ. Ҳисобчига "Пулим машинада қолибди, ҳозир олиб келаман", дея машинани қарадим. У ерда ҳам йўқ.

Эрталаб уйда паспортим орасига 600 000 сўм пул солиб, чўнтагимга солганим эсимда. Сўнг уйга телефон қилиб, болалардан суриштирсам, улар паспортни чўнтагимга солганимни тасдиқлашди.

Шунда йўл-йўлакай тўхтаган жойларимга тушган деган фикр хаёлимдан ўтди. Йўқолган пулга эмас, паспортга ичим ачиди. У менга Макка, Мадина каби муборак диёрларда ҳамроҳлик қилганди. Уни доим қўлимга олсам, ўша дамлар ёдимга келарди.

Кўнглимдан бирор яхши инсон қўлига тушса, милицияга топширар, деган умидда туман паспорт бўлимига йўл олдим. У ерда тегишли ходимга вазиятни тушунтирдим. У бўлса, беш-олти кундан кейин хабар олиш кераклигини айтиб, туман Ички ишлар бўлимига ҳам учраб ўтишимни таъкидлади. Туман Ички ишлар навбатчи бўлимига бордим. Улар фамилиямни сўраб, ким биландир телефон орқали боғланишди. Бироз вақт ўтгач, бир милиция ходими "хожибобо" деб чақириб, паспортимни қўлимга тутди. Мен таажжубда қолиб: "Буни сизга ким берди, у кишига миннатдорлик билдирай", десам, навбатчи: "Китоб туманилик бир истарали инсон экан, ҳатто исми шарифини ҳам айтмади. Ичида пуллари бор экан. Санаб кўринг-чи, ҳаммаси бормикин?" деди.

Қарасам, пулларим жойида. Милиция ходимига миннатдорлик билдириб, йўлга чиқдим.

Бу воқеадан жуда таъсирландим. Паспортим ва пулим топилгани учун эмас, балки орамизда бировнинг ҳақидан қўрқадиган, ҳатто исми шарифини ҳам айтмай, бу яхшилигини Аллоҳ йўлида қиладиган солиҳ юртдошларимиз борлигидан шодландим. Сўнгра ўша яхши инсон ҳақида чин дилдан дуо қилдим.

Ибодуллоҳ бобо АЛИЕВ, Чироқчи тумани





بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ
لِلَّذِينَ أَحْسَنُوا الْحُسْنَىٰ وَزِيَادَةٌ وَلَا يَرْهَقُ وُجُوهَهُمْ قَتَرٌ وَلَا ذِلَّةٌ أُولَٰئِكَ
أَصْحَابُ الْجَنَّةِ هُمْ فِيهَا خَالِدُونَ. وَالَّذِينَ كَسَبُوا السَّيِّئَاتِ جَزَاءُ سَيِّئَةٍ
بِمِثْلِهَا وَتَرْهَقُهُمْ ذِلَّةٌ مَا لَهُمْ مِنَ اللَّهِ مِنْ عَاصِمٍ كَأَنَّمَا أُغْشِيَتْ وُجُوهُهُمْ
قِطْعًا مِنَ اللَّيْلِ مُظْلِمًا أُولَٰئِكَ أَصْحَابُ النَّارِ هُمْ فِيهَا خَالِدُونَ

Яхшилик мукофотсиз қолмас

“Эзгу иш қилганларга чиройли (савоб – жаннат) ва зиёдалик (Аллоҳнинг дийдорини кўриш) бордир. Уларнинг юзларини қоралик ҳам, хорлик ҳам қопламас. Айнан ўшалар жаннат аҳлидирлар, улар у ерда мангудирлар. Гуноҳ ишларни қилганларга эса ҳар бир гуноҳга ўшанинг баробарида жазо (бордир) ва уларни хорлик қоплар. Улар учун Аллоҳ тарафидан сақловчи йўқ. Уларнинг юзлари гўё зулматли туннинг бир бўлаги билан қоплангандекдир. Ана ўшалар дўзах аҳлидирлар. Улар у ерда мангудирлар” (Юнус сураси, 26–27-оятлар).

“Эзгу иш қилганларга чиройли (савоб – жаннат) ва зиёдалик (Аллоҳнинг дийдорини кўриш) бордир”. Яъни тавҳид аҳлига жаннат ва Аллоҳнинг жамолига назар солиш бор. Анас ибн Молик розийаллоҳу анҳу ривоят қилади: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан Аллоҳ таолонинг “зиёдалик” ояти ҳақида сўрашди. У зот алайҳиссалом: “Дунёда гўзал амал қилганларга чиройли – жаннат ва зиёдалик – Аллоҳ таолонинг жамолига назар солиш бор”, деб жавоб бердилар». Имом Муслим раҳимаҳуллоҳ Суҳайб розийаллоҳу анҳудан, у киши Набий алайҳиссаломдан ривоят қилади: Айтадилар:

«Жаннат аҳли жаннатга кирганида Аллоҳ азза ва жалла: “Бирон нарсани зиёда қилиб беришимни хоҳлайсизларми?!” деди. Шунда бандалар: “Ахир, юзларимиз оқарди, жаннатга кирдик, дўзахдан нажот топдик-ку?!” дейишади. (Шунда) парда кўтарилади. Раббилари азза ва жалланинг жамолига назар солишдан кўра бандаларга севимлироқ бирон нарса берилмайди». Бир ривоятда ушбу ҳадисни айтиб ўтганларидан сўнг: «“Эзгу иш қилганларга чиройли (савоб – жаннат) ва зиёдалик (Аллоҳнинг дийдорини кўришлик) бордир” оятини ўқидилар», дейилади.

Имом Насоий ҳам Суҳайб розийаллоҳу анҳудан ривоят қилади. Айтади: «Набий алайҳиссаломга “Эзгу иш қилганларга чиройли (савоб – жаннат) ва зиёдалик (Аллоҳнинг дийдорини кўришлик) бордир” ояти ҳақида айтилганида, у зот алайҳиссалом бундай жавоб қилдилар: “Жаннат аҳли жаннатга, дўзах аҳли дўзахга кирганида бир нидо қилувчи: “Эй аҳли жаннат, сизларга Аллоҳ таолонинг ваъдаси бор. У сизни у билан мукофотлашни истайди”, деб айтади”. (Нидочи жаннат аҳлига у ердаги аввалги ва охириги киши эшитадиган овозда сўзлайди). Шунда жаннат аҳли: “Юзларимиз оқарди, тарозимиз оғир келди, дўзахдан озод



этилдик-ку?!” дейишади. Айтади: **“Бас, парда кўтарилади ва улар Парвардигорга қарашади. Аллоҳга қасам, Парвардигор назар солишдан кўра уларга севимлироқ ва кўзларини қувонтирувчи роқ бирон нарса берган эмас”**».

Убай ибн Каъб розийаллоху анху айтади: «Мен Расулulloх соллаллоху алайҳи ва салламдан Аллоҳ таолонинг Каломидеги икки зиёдалиқ ҳақида сўрадим. Набий алайҳиссалом: **“Раҳмоннинг юзига назар солиш”**, деб жавоб бердилар».

Бир ўринда **“зиёдалиқ”** бу – бир яхшиликнинг ўн баробари ва ундан ҳам кўпайтирилишидир, дейилади. Ибн Аббоснинг ривоятида Али ибн Абу Толиб розийаллоху анху: **«“Зиёдалиқ”** бу – марвариддан қурилган уй бўлиб, ундаги ҳар бир хонанинг тўрт мингтадан эшиги бор», деган. Мужоҳид: **«“Чиройли”**, яъни яхшилик сингари яхшилик». **“Зиёдалиқ”** Аллоҳ таолонинг мағфирати ва розилигидир», деб тафсир қилган. Абдурахмон ибн Зайд ибн Аслам: **«“Чиройли”**, яъни жаннат ва **“зиёдалиқ”** Аллоҳ таолонинг дунёда фазлидан берган нарсаларини қиёмат кунда ҳисоб-китоб қилмаслигидир», деб фикр билдирган. Абдурахмон ибн Собит: **«“Чиройли”** бу – хушхабар, **“зиёдалиқ”** Аллоҳ таолонинг жамолига назар солишдир. Зеро, Аллоҳ таоло бундай марҳамат қилган: **“У кунда баъзи юзлар яшновчи, Парвардигорларига боқиб турувчидир”**» (*Қиёмат сураси, 22–23-оятлар*), дея тафсир қилади. Язид ибн Шажара бундай дейди: **«“Зиёдалиқ”** булутларнинг жаннат аҳли устидан юриб, уларга шу вақтгача кўрмаган барча ноёб нарсаларини ёғдиради ва: “Эй жаннат аҳли, сизларга нима ёғдиришимни истайсиз?” деб сўрайди. Шундан кейин улар нимани хоҳлашса, ўшани ёғдиради».

“Уларнинг юзларини қоралиқ ҳам, хорлик ҳам қопламас”, яъни уларни **“қо-**

ралик”, ғубор, **“хорлик ҳам”** дўзах аҳли каби шармандалиқ **“қопламас”**, етмас, ўраб олмас. Яъни Аллоҳ таоло ҳузурига тўпланишганда, уларга ғубор етмас ва хорлик ўраб олмас. Ибн Аббос **“қоралиқ”**-ни “юзнинг қорайиши”, деб айтса, Ибн Баҳр, **“дўзахнинг тутуни”**, деган.

“Айнан ўшалар жаннат аҳлидирлар, улар у ерда мангудирлар”. Яъни жаннат аҳллари ҳеч бир хафалиқ, шунингдек, дўзахнинг тутуни ва шу каби бирор ғубор етмаган ҳолда жаннатда абадий қоладилар.

“Туноҳ ишларни қилганларга эса”, яъни дунёда ёмон ишлар, гуноҳи кабир, Аллоҳ таолога осийлик, Парвардигор ва Унинг расулига кофир бўлиш, динни ёлғонга чиқариш каби турли гуноҳларни содир этганларга **“ҳар бир гуноҳга ўшанинг баробарида жазо (бордир)”**, дунёда қилган ёмон амаллари баробарида охирада Аллоҳ таолодан иқоб бор. Бундан ортиқ зиёда қилинмас. Улар зулм кўрмаслар. Бир ўринда **“жазо”**дан мурод дўзах дейилган. **“Ва уларни хорлик қоплар”**, тубанлик ва шармандалиқ ўраб олади. **“Улар учун Аллоҳ тарафидан”**, яъни Парвардигорнинг азобидан **“сақловчи йўқ”**, уларни азобланишдан ҳеч ким тўхтатиб, қутқариб қололмайди. **“Уларнинг юзлари гўё зулматли туннинг бир бўлаги билан қоплангандекдир”**. Абу Жаъфар: **“Туноҳ ишларни қилганларнинг юзларига тун зулматидан кийдирилади”**. **“Ана ўшалар дўзах аҳлидирлар. Улар у ерда мангудирлар”** (*Юнус сураси, 26–27-оятлар*). Жаннат ва дўзах аҳлининг ўртасидаги фарқи қанчалиқ ҳам катта. Уларнинг орасида ҳеч бир боғлиқлик йўқ.

“Тафсири Қуртубий”, “Тафсири Табарий” асарлари асосида

Қуйи Чирчиқ тумани бош имом-хатиби Шокиржон ИМОМИДДИНОВ тайёрлади.



Жанжал нимадан чиқади?

Оилалар билан ишлаш мобайнида турли муаммоларга дуч келамиз. Айрим хонадонларда келиннинг тарбияси етарли бўлмайди, баъзиларида эса улар зўравонликка учрайди, эри у ёқда турсин, қайноналарнинг келинига қўл кўтарганларига гувоҳ бўламиз. Уйдаги гапни кўчага чиқармайин, деб ўзига жабр қилаётган келинлар ҳам бор.

Одатда, ота-она қизини узатаётиб: “Борган жойингда тиниб-тинчиб, сувга тушган тошдек қот, гап кўтариб келма. Эрингга, қайнона-қайнотангга итоат қил, уларнинг иззат-хурматини жойига қўй. Оғир-енгил кунларга чида, бор-йўққа кўн, гап қайтарма, сабрли бўл”, деб тайинлашади. Лекин сабрнинг ҳам чегараси бор. Жуфти ҳалолини хўрлаб, менсимай яшаш тўғри эмас. Келиннинг билмаганларини ўргатиб, яхши тарбиялаб олиш қайноналарнинг маҳоратига боғлиқ.

Келиннинг айбини беркитадиган, ёрдамлашиб, хатосини тузатадиган қайноналар бор. Лекин “Ўғлимнинг топганини нима қилипсан?” деб уйни бошига кўтарадиганлари ҳам йўқ эмас. Ҳамма жанжал ана шу майда-чуйда, бўлар-бўлмас гаплардан чиқади.

Бир онахонни биламан, тўққиз фарзандни вояга етказиб, уйли-жойли, ўқимишли қилган. Ҳозирда етмишдан ошган бўлса-да, гоҳида ўзи нон ёпади. Неваралари мактабдан келиб, онахонга ёрдам беришади. Келинлари ишлашади, ишдан келишларига биргалашиб овқат ҳам пишириб қўйишади. Бирор марта келинларидан нолиганини билмайман. Бу оилага ҳаммининг ҳаваси келади.

Айни пайтда ёшгина қайнона бўлиб олиб, ҳамма ишни келин қилиши керак, деганлар адашади. Ёш келинларимизнинг

оила муҳитига ўрганиб олишларига ёрдам беришимиз керак. Ахир бир кўчатни ўтқазсангиз-у, парвариш қилмасангиз, ўсмайди, мева бермайди. Бу ўринда сабр қилиш юксак олийжаноблик эмасми?

Ҳадиси шарифда: **“Ким сабр қилиши истаса, Аллоҳ унга сабр беради. Ҳеч кимга сабрдан ҳам яхши ва улўғроқ эҳсон берилмаган”**, дейилади (Имом Бухорий ва Имом Муслим ривояти).

Келинларимизга ҳам меҳр, эътибор зарур. Ўзимизнинг қизларимиз ҳам ўзга хонадонга келин бўлишини унутмайлик.

Биз қачон бир можаро чиқсагина, уни муҳокама қилишга ўрганиб қолганмиз. Аслида муаммонинг олдини олишимиз лозим.

Пайғамбаримиз алайҳиссалом бир ҳадиси шарифда: **“Инсонларнинг энг хайрлиси инсонларга фойдаси тегадиганидир”**, деганлар (Имом Байҳақий ривояти).

Азизлар, фарзандларингиз келажаги учун муомалангизни яхши, чиройли қилинг. Келиннингизга ҳам алодат билан муносабатда бўлинг. Бу дунё ўткинчи, одам одамга ғанимат эканини унутманг. Зеро, Алишер Навоий айтганидек:

*Адл ила олам юзини обод қил,
Хулқ ила олам элини шод қил.*

Биз қайноналар чиройли хулқимиз билан ёшларга, хусусан, келинларимизга ибрат бўлайлик. Яхши амалларимизга бу дунёда ҳам, охиратда ҳам ажру мукофотлар олишимиз учун ҳозирдан ҳаракат қилайлик, дилозорлигимизни йиғиштирайлик.

Хосият ХУДОЙБЕРДИЕВА,
Наманган вилояти Косонсой тумани
“Равот” маҳалласи отинойиси





Хайрни хуш кўрган хушнуд бўлар



Саййида она невараси Имронбек билан эндигина дарс қилишга киришганида катта невараси Мубинахон кириб, бир аёл чақираётганини айтди.

Саййида она биринчи синф ўқувчиси бўлган Имронбекнинг ўйинқароқлиги борлиги учун Мубинахонга:

– Сен укангнинг мисолларни тўғри ечишини кузатиб тур, – деди ва ўзи дарвоза томон йўл олди.

Эшик олдида кутиб турган аёл кўзига иссиқ кўринди. Саломлашгач, аёл гапира кетди:

– Эсингиздами, ўғлим Дилшоджоннинг ўқиш тўловини сиз ҳожиналар биргалашиб тўлаб берган эдингизлар. Аллоҳга шукр, ҳозир ишляпти. Маошини уйлантиришга деб йиғиб юрувдим. Бу орада сингилларини узатдик. Ўшандаям айтгандим, отаси дундан ўтгандан кейин уй-жойга қайниларим эга бўлиб, бизни чиқариб юборишган, ижарада яшаб келаётгандик. Ижарачи ҳам айниди. Ё кўпроқ пул беришимиз, ё чиқиб кетишимиз керак. Ундан ҳам алам қилгани, ўз уйимиз йўқлигини билиб, боламга ҳеч ким қиз бермаяпти. Ҳозир озроқ йиғилган пулимиз бор. Лекин сўралаётган ижара ҳақиға ҳам етмай турибди. Бечора аёл пиқиллаб йиғлашга тушди.

Саййида она бир лаҳза ўйланиб қолди. Шу аснода: **“Аллоҳ ночор, қийналган одамга яхшилик қилганни яхши кўради”, “Дунёда яхшилик қилувчилар охиратда яхшилик-**

ка эришувчилардир”, деган мазмундаги ҳадислар ёдига тушди. Яратганнинг розилиги, икки дунё саодати учун бу аёлнинг оиласига ёрдам бериш керак, деган фикрга келди. Аёлга юпанч сўзлар айтиб, эртага келишини тайинлади. Худо хоҳласа, бир чора топишга ҳаракат қилишини билдирди.

Шу кунларда Саййида онанинг имкони сўралган ёрдамга тўла етмасди. Шунинг учун энди бу маблағни топишга бошқаларни ҳам жалб қилиши лозим. У хайр-саховатни хуш кўрувчи онахонлар билан учрашиб, уларга тушунтириб, керакли маблағни тўплади.

Эртаси куни келган аёл пулни оларкан, ташвиши вақтинчалик бўлса ҳам ариганидан қувониб, йиғлаб дуо қилди. Саййида она яна бир хайрли ишга бош қўшганидан хурсанд бўлди. У: **“Ўзинг берганингдан Ўзинг рози бўладиган йўлда ишлатганимиз учун биздан ҳам рози бўлгин, Аллоҳим!”** дея шивирлаб муножот қиларкан, кўнгли янада равшан тортиб, кўзларига ҳамма жой тозариб-тиниқлашгандай кўринди...

Салима УМАРОВА, Навоий вилояти



Яхши исм, тўғри тарбия,

солиҳлар дуоси...



Ёш ота-оналар орасида ғалати одатлар кўпаймоқда. Жумладан, ҳомиладор аёл гумонасининг ўғил ё қизлигини маълум қилиш учун алоҳида базм ташкил қилмоқда. Янги туғилган чақалоқни ҳашаматли машиналарда, махсус фотостудияга олиб бориб, гўдакни ҳар кўйга солиб, суратларга тушириш кимўзарга айланиб кетди. Бундан ташқари, унинг номидан ижтимоий тармоқларда алоҳида саҳифа очиб, расм ва видеотасвирларини жойлаштириб боришади. Ҳаммасидан ўтиб тушгани, чақалоққа чет эл сериал қаҳрамонларию футболчиларига тақлид қилиб, бемаъни исмлар кўйиш кўпайиб кетди.

Хўш, фарзандларимизга нега чиройли исм қўямиз?

Яхши исм

Шариатимизда ота-онанинг фарзанди олдидаги ҳақларидан бири унга муносиб исм танлашидир. Ҳадиси шарифда марҳамат қилинади: **“Фарзандига чиройли исм қўйиш, динни ўргатиш ва вақти келганида уйлантириш фарзанднинг отаси зиммасидаги ҳақларидандир”** (Имом Абу Нуайм ривояти).

“Қиёматда отангизнинг исми билан (масалан, Али ўғли Амин ёки Али қизи Амина деб) **чақириласиз. Шундай экан, исмингиз чиройли бўлсин”** (Имом Абу Довуд ривояти).

Оламлар Рабби ҳузурига борганингизда маъносини ўзингиз ҳам билмайдиган исм билан чақирилсангиз-а, Аллоҳ асрасин!

Пайғамбаримиз алайҳиссалом таълимотларига кўра, ўғил-қизларимизга гўзал исмларни қўйишга буюрилганмиз. **“Аллоҳ наздида энг чиройли исмлар Абдуллоҳ, Абдурраҳмондир”** (Имом Муслим ривояти).

Қиз бола туғилса, саҳобия оналаримиздек тақволи, сабрли, гўзал хулқли бўлсинлар деб, нубувват хонадони хонимлари Хадича, Ойша, Фотима розийаллоҳу анхуннанинг исмларини қўйиш афзалдир.

Болага исм танлашда уламолар, фазилатли кишилар билан маслаҳатлашиш керак. Маъноси номаълум, қабиҳ исмлар қўйишдан эҳтиёт бўлмоқ лозим. Саҳобалар фарзандларига исмни Пайғамбаримиз алайҳиссаломга қўйдиришга ҳаракат қилишарди.

Тўғри тарбия

Биз ота-оналар фарзандимизга нафақат муносиб исм қўйиш, балки унинг иймон-эътиқоди, одоб-ахлоқи ва жами-



ятда ўз ўрнига эга инсон бўлиб етишишига масъулмиз. Буюк қомусий олим Абу Али Ибн Сино: “Оилада катта ёки кичик нарса бўлмайди. Ҳамма нарса, ҳатто, энг оддий бўлиб кўринган оилавий муносабатлар ҳам болага таъсир кўрсатади. Айнисқа, ростгўйлик, самимийлик, садоқатлилик, ширин суҳан бўлиш бола камолотидаги зарур ҳаётий воситалардан биридир”. Айнисқа, қиз бола тарбиясида бу фазилатларга кўпроқ эътибор беришимиз лозим.

Қиз боланинг кўнгли нозик бўлгани сабабли, уларга алоҳида меҳр кўрсатилади. Оилада қиз бола тарбияси аёлга, онага ишониб топширилади. Масъулиятли бу жараёнга оналар янада эътиборли бўлиб, қизларининг соғлом униб-ўсиши, илму ҳунар эгаллаб, одоб-ахлоқ, ибодат-ҳаёда ҳам бошқаларга ўрнак намунасини кўрсатадиган қиз бўлиб камолга етишига аҳамият қаратишлари ҳамда ўзлари ҳам ўрнак бўлишлари муҳим. Хусусан, қиз болага илм ўргатишдан ташқари, касбу ҳунар эгаллашига кўмак бериш, пишириш, тикиш-бичиш, бола парваришлаш, кўйинги, кундалик турмушда зарур бўлган билимлар билан доимий таништириб бориш лозим. Тарбияда энг муҳим восита бу – меҳр ва ширинсўзликдир. Бу икки восита нозик қалб соҳибаси бўлган қиз боланинг кўнглига йўл топиш, уни авайлаб парваришлаш учундир.

Солиҳлар дуоси

Фарзанд ҳаққига Аллоҳ таолодан доимо яхшиликлар сўраб, хайрли дуолар қилишимиз даркор. Чунки ота-онанинг боласи учун қилган дуоси мустажобдир.

Абдуллоҳ ибн Муборакдан ривоят қилинишича, унинг олдида бир ота ўз ўғлидан шикоят қилиб келади. Шунда Абдуллоҳ ибн Муборак отадан: “Сиз

ўғлингиз ҳаққига яхши дуо қилармидингиз ёки ёмонми?” деб сўрайди. Ота эса ёмон дуо қилишини айтади. Абдуллоҳ ибн Муборак у одамга, ўғлингизни ўзингиз бузган экансиз, деб қийиди. Зурриётларимизни тарбиялаш борасида қанчалик ғайрат қилмайлик, уларнинг ҳаққига хайрли дуо қилишда бардавом бўлайлик. “Саҳиҳи Бухорий”да Усома ибн Зайд розийаллоҳу анҳудан бир ривоят келтирилади. Пайғамбар алайҳиссалом Усома ибн Зайд ва Ҳасаннинг қўлидан ушлаб: **“Аллоҳим, мен бу иккисини яхши кўраман, Сен ҳам буларни яхши кўргин”**, деб дуо қилар эдилар.

Ривоят қилинишича, улуғ тобеинлардан саналмиш Фузайл ибн Йез раҳматуллоҳи алайҳ фарзанди Али ҳаққига бундай дуо қилган экан: “Аллоҳим, мен ўғлим Алини одобли қилишга кўп ҳаракат қилдим, аммо қурбим етмади. Ўзинг менга уни тарбияли қилиб бер”. Ушбу дуонинг баракотидан Али ибн Фузайл раҳматуллоҳи алайҳ улуғ олим бўлиб етишди. Имом Насоий раҳматуллоҳи алайҳ Али ибн Фузайлни “Сиқа” (ишончли), “Маъмун” (омонатли), деган. Абдуллоҳ ибн Муборак: “Одамларнинг энг яхшиси Фузайл ибн Йез, ундан ҳам яхшироғи ўғли Алидир”, деганлар.

Шундай экан, муҳтарама аёллар, Аллоҳ неъмат қилиб берган омонатга қандайдир сериал қаҳрамонларига ҳавас қилиб эмас, балки ҳақиқий солиҳ кишилардан бўлишини сўраб, уларга муносиб исм кўйинг! Уларнинг тарбиясида ҳимматли, ғайратли бўлинг. Токи ўғил-қизларимиз ота-онасига нафақат ҳаётлик вақтида, балки вафотидан кейин ҳам раҳмат олиб берадиган бўлишсин!

Робияхон ТОҶИРОВА тайёрлади.





Исрофни

хотинлар бошлайдими?..

Ҳар қандай ишда мўътадиллик ҳамisha маъқуллаб келинган. Ҳаддан ошиш, исрофгарчилик, манманлик, риёкорлик каби иллатлар ақлан ва шаръан қораланиб, улардан қайтарилган. Исрофга йўл қўймаслик ҳақида Аллоҳ таоло Қуръони каримда бундай таълим берган: **“Қариндошга, мискин ва йўловчига (хайр-эҳсон қилиш билан) ҳақларини адо этинг ва исрофгарчиликка мутлақо йўл қўйманг!”** (Исро сураси, 26-оят.)

Юртбошимизнинг таъбири билан айтганда, “Агар бир тўйга кетадиган маблағнинг бир қисмини ёшларнинг ҳақиқий эҳтиёжига, оила юмушларини енгиллаштиришга, эртага туғиладиган гўдакларни соғлом қилиб ўстириш, болаларимизга чуқур билим бериш, бир сўз билан айтганда, замонавий ҳаёт ва турмуш тарзига жавоб берадиган мақсадларга сарф қилсак, бу энг оқилона ва савоб иш бўлар эди”.

Абдуллоҳ ибн Аббос розийаллоху анхумодан ривоят қилинган ҳадисда Расуллул-

лоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: **“Сени икки хислат: фахрланиш ва исрофгарчилик хатога бошламаса...”** деб шу икки иллатдан огоҳлантирганлар (Имом Бухорий ривояти).

Муҳтарама аёлларимиз маъзур тутсинлар-у, исрофларимизнинг асосий сабабчилари кўпинча хотинлар бўлиши кузатилади. Каттакон тўйлар, чарлару базмларгача – ҳамма-ҳаммасига улар тузган рўйхат бўйича тартиб берилади. Одатда, меҳмондорчилик, катта йиғинлардаги исрофлар аёлларнинг эгнидаги кийимидан бошланади: “Бу кўйлагимни фалон жойга кийиб борганимда аёллар кўришган, уни кия олмайман...” Кейин дастурхонга ўтилади: “Тангадек очиқ жой қолмасин!..” “Бор, тоғорам, кел, тоғорам”ни-ку қўяверасиз! Қизларни ўқитиш ўрнига нукул сандиқларга сарпосуруқ тўплашларни айтмайсизми...

Умрага ва ҳажга бориб келган аёллар ўртасида “ҳожиди ўтириши” деган йиғинлар бор. Ўша йиғинларга ҳозирланган дастурхонни кўрган ҳар қандай одамнинг ақли шошади. Лекин ана шу дастурхондан қўшничикига бир коса таом чиқмайди. Булар ҳам камдек, ҳожиди оналаримиз даставвал поёндозлар устида юриб келишаётганди, энди эса уларнинг пойига чақалоқларни ётқизиш одати пайдо бўлибди.

Исрофгарлардан бири Суқротиди ҳақимга камбағал бўлиб қолганидан шикоят қилди. Суқротиди ўша одамга бундай маслаҳат берди: “Исрофингга бир чега-



ра қўйиб, пулингни тежа, ўзинг ўзингдан қарз ол, шунда аҳволинг ўнгланади”. Улуғ донишманднинг тавсияси бугунги кунимизда ҳар қадамда исрофга йўл қўйса-да, яна ҳаёти но-чорлигидан шикоят қилиб, фиғони фалакка чиқаётган айрим кишиларга ишорат-дек туюлмайдами?!

Кўпинча ҳажга кетаётган аёллар: “Эҳсон қилиш керакми?” деб сўраб қолишади. Шариатда бирор ибодатдан кейин эҳсон қилинсин, деган кўрсатма йўқ. Ваҳоланки, бу оддий бандалик вазифасини бажариш, холос. Унинг ўрнига ҳаж давомида бирор амални тўкис адо эта олмаган бўлсам, шояд, каффорат бўлса, деб қарз ҳавола қилмасдан эҳтиёжидан ортиқ маблағни кам таъминланган оилаларга, боқувчисини йўқотган инсонларга бериши яхши амаллардандир.

Бир илмли кишидан сўрашибди: “Ҳажи қабул бўлганини қандай билиш мумкин?” “Ҳажга борган одам ҳаждан келгандан кейин яхшиликка томон тубдан ўзгариши ва гуноҳлардан ўзини тийиши ҳажи қабул бўлишига яхши гумондир”, деб жавоб берган экан у.

Фурқат ЖУМАЕВ,

*Қарши шаҳар
“Араловул” жоме масжиди
имом-хатиби*

СОХТА САЛАФИЙЛАР бузғунчилардир

Сохта салафийлар бузғунчилар бўлиб, “солиҳ салафларга эргашиш” шиорини ниқоб қилиб олишган. Мусулмон жамиятларини гўё илк Ислом даври ҳолатига қайтаришни тарғиб қилувчи мутаассиб оқимдир.

Сохта салафийлар ҳокимият тепасига фақат “ҳақиқий мусулмонлар”ни чиқариш учун фаол ҳаракат қилишни тарғиб этади. Мазкур мақсад йўлида ҳозирги “салафийлик” етакчилари қуйидагиларни мақсад қилмоқда:

- одамлар онгидан миллий-маънавий қадриятлар ва урф-одатларни, одобларни чиқариб ташлаш;

- аҳли сунна вал жамоанинг 4 фикҳий мазҳабини рад этиб, мазҳабсизликни тартиб қилиш;

- шариат ҳукмларига кўр-кўрона мажбурий амал қилинишини таъминлаш, амал қилмаганларга қаттиқ жазо қўллаш;

- муқаддас жойларни зиёрат этишни тақиқлаш.

Юқорида зикр этилаётган мақсадларига эътибор қаратилса, уларнинг жамият аҳли ўртасида парокандалик ва зиддият келтириб чиқариш ҳамда ажодларимиздан мерос бўлиб келган диний-миллий қадриятларимизни сўндириб, саводсиз қилиш каби разилликлари маълум бўлади.

Минг афсуслар бўлсин, баъзи юртдошларимизнинг нималарнидир сабаб қилган ҳолда уларнинг пуч хом-хаёлларига кўр-кўрона эргашиб кетишлари кишини ажаблантиради. Ижтимоий тармоқларда ўзидан “шайх” ясаб олганларнинг пистирмадан туриб қилган чақириқларига эргашиб кетаётганлар орамизда йўқ эмас. Ижтимоий тармоқлар орқали гўёки мусулмонларга ёрдам бериш мақсадида “ҳижрат” ва “жиҳод”га келишни тарғиб қилувчи видеоролик ва маълумотларни жойлаштираётганлар ҳам бузғунчи сохта салафийлардир.

Сохта салафийлар: “Ҳозирги вақтда дунёнинг барча жойи куфр диёридир, унинг ичида Макка ва Мадина бўлса ҳам”, деб айтади. Шариат илмларидан озгина хабари бор инсон бу гапларни айтишдан ўзини сақлайди. Чунки бир диёрда яшайдиган кишиларни ёппасига кофирга чиқариш ҳамда ушбу давлатларни куфр диёри деб айтиш фақатгина шаръий илмлардан умуман хабари бўлмаган жоҳил одамнинг сўзи ҳисобланади.

“Сохта салафийларнинг саёз сабоғи”

китобидан олинди.

Ғам-андуҳни кетказишнинг йигирма етти йўли

(Давоми. Бошланиши ўтган сонда.)

Биринчи йўл: Ғам-андуҳни кетказиш учун доимо Қуръони каримни тиловат қилиш лозим.

الَّذِينَ آمَنُوا وَتَطْمَئِنُّ قُلُوبُهُمْ بِذِكْرِ اللَّهِ أَلَا بِذِكْرِ اللَّهِ تَطْمَئِنُّ الْقُلُوبُ ﴿٢٨﴾

Аллоҳ таоло бундай марҳамат қилади: “Иймон келтирганлар ва Аллоҳнинг зикри ила қалблари ором топганлар. Аё, Аллоҳнинг зикри ила қалблар ором топмасми?” (Раъд сураси, 28-оят).

يَا أَيُّهَا النَّاسُ قَدْ جَاءَكُمْ مَوْعِظَةٌ مِنْ رَبِّكُمْ وَشِفَاءٌ لِمَا فِي أَلْسِنَتِكُمْ وَهَدًى وَرَحْمَةٌ لِلْمُؤْمِنِينَ ﴿٥٧﴾ قُلْ بِفَضْلِ اللَّهِ وَبِرَحْمَتِهِ فَبِذَلِكَ فَلْيَفْرَحُوا هُوَ خَيْرٌ مِمَّا يَجْمَعُونَ ﴿٥٨﴾

«Эй одамлар! Сизга ўз Раббингиздан мавъиза, кўксингиздаги нарсага шифо, мўминларга ҳидоят ва раҳмат келди. Сиз: “Аллоҳнинг фазли ила ва Унинг раҳмати ила, бас, ана шу билан хурсанд бўлинглар. У улар жамлайдиган нарсалардан яхшидир”, деб айтинг» (Юнус сураси, 57-58-оятлар).

أَوَلَمْ يَكْفِهِمْ أَنَّا أَنْزَلْنَا عَلَيْكَ الْكِتَابَ يُتْلَىٰ عَلَيْهِمْ إِنَّ فِي ذَلِكَ لَرَحْمَةً وَذِكْرَىٰ لِقَوْمٍ يُؤْمِنُونَ ﴿٥١﴾

“Уларга Бизнинг сенга ўзлари учун тиловат қилинаётган ушбу Китобни нозил этганимиз кифоя қилмасми?! Албатта, бунда иймон келтирадиган қавмлар учун раҳмат ва эслатма бордир” (Анкабут сураси, 51-оят).

Ибн Асимин раҳимахуллоҳ: “Қуръони карим дилдаги ғам-ғусса ва хавотирга шифодир”, деган. Қуръони карим энг буюк шифодир. Лекин у билан даволанувчилар нақадар оз!

Иккинчи йўл: Ғам-андуҳни кетказиш учун Фотиҳа сурасини ўқиш.

الْحَمْدُ لِلَّهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ (٢) الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ (٣) مَالِكِ يَوْمِ الدِّينِ (٤) إِيَّاكَ نَعْبُدُ وَإِيَّاكَ نَسْتَعِينُ (٥) اهْدِنَا الصِّرَاطَ الْمُسْتَقِيمَ (٦) صِرَاطَ الَّذِينَ أَنْعَمْتَ عَلَيْهِمْ غَيْرِ الْمَغْضُوبِ عَلَيْهِمْ وَلَا الضَّالِّينَ (٧)

“Ҳамд оламларнинг Рабби – Аллоҳгадир. У Раҳмон ва Раҳимдир. Жазо-мукофот кунининг Эгасидир. Фақат Сенгагина ибодат қиламиз ва фақат Сендангина ёрдам сўраймиз. Бизни тўғри йўлга ҳидоят қилгин, Ўзинг неъмат берганларнинг йўлига. Ғазабга қолганларникига ҳам эмас, адашганларникига ҳам эмас” (Фотиҳа сураси).

Учинчи йўл: Бақара сурасининг охириги икки оятини ўқиш.

آمَنَ الرَّسُولُ بِمَا أُنزِلَ إِلَيْهِ مِنْ رَبِّهِ وَالْمُؤْمِنُونَ كُلٌّ آمَنَ بِاللَّهِ وَمَلَائِكَتِهِ وَكُتُبِهِ وَرُسُلِهِ لَا نُفِرُ بَيْنَ يَدَيْهِ مِنْ رُسُلِهِ وَقَالُوا سَمِعْنَا وَأَطَعْنَا وَأَعْفُوكَ رَبَّنَا وَإِلَيْكَ الْمَصِيرُ ﴿٢٨٥﴾ لَا يَكْفِيكَ اللَّهُ نَفْسًا إِلَّا وَسَعَهَا لَهَا مَا كَسَبَتْ وَعَلَيْهَا مَا اتَّكَتْ رَبَّنَا لَا تَوَاضَعْنَا إِنْ نَسِينَا أَوْ أَخْطَأْنَا رَبَّنَا وَلَا تَحْمِلْنَا عَلَيْنَا إِصْرًا كَمَا حَمَلْتَهُ عَلَى الَّذِينَ مِنْ قَبْلِنَا رَبَّنَا وَلَا تَحْمِلْنَا مَا لَا طَاقَةَ لَنَا بِهِوَاعْفُ عَنَّا وَاعْفِرْ لَنَا وَارْحَمْنَا أَنْتَ مَوْلَانَا فَانصُرْنَا عَلَى الْقَوْمِ الْكَافِرِينَ ﴿٢٨٦﴾

«Пайғамбар унга ўз Раббисидан туширилган нарсага иймон келтирди ва мўминлар ҳам Аллоҳга, Унинг фаришта-ларига, китобларига, пайғамбарларига ҳамма-ҳамма иймон келтирди. Унинг Пайғамбарларининг бирорталарини ажратмаймиз. Ва: “Эшитдик ва итоат қилдик, (эй Раббимиз,) мағфиратингни



сўраймиз ва қайтиб бориш Сенгадир”, дедилар. Аллоҳ ҳеч бир жонни тоқатидан ташқари нарсага таклиф қилмас. Фойдаси ҳам ўз касбидан, зарари ҳам ўз касбидан. Эй Раббимиз, агар унутсак ёки хато қилсак, (иқобга) тутмагин. Эй Раббимиз, биздан олдингиларга юклаганга ўхшаш оғирликни бизга юклагин. Эй Раббимиз, бизга тоқатимиз етмайдиган нарсани юклагин. Бизни афв эт, мағфират қил ва раҳм эт. Сен Хожамизсан. Бас, кофир қавмларга бизни ғолиб қил”» (Бақара сураси, 285–286-оятлар).

Абу Масъуд Ансорий розийаллоҳу анҳу ривоят қилган ҳадисда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Ким кеч кирганда Бақара сурасининг охирги икки оятини ўқиса, унга кифоя қилади”**, деб марҳамат қилганлар (Имом Бухорий ва Имом Муслим ривояти).

Имом Нававий раҳимаҳуллоҳ: “Кеч кирганда иккисини (Бақара сурасининг 285–286-оятларини) ўқиш кишига таҳажжуд намози ўқиш ўрнига ўтади”, деган. Бир ўринда: “Шайтондан сақлайди”, дейилган. Бошқа ўринда: “Барча офатлардан асрайди”, дейилади.

Тўртинчи йўл: Фалақ ва Нас сураларини (яъни, Муаввизатайн) ўқиш.

﴿قُلْ أَعُوذُ بِرَبِّ الْفَلَقِ﴾ ﴿١﴾ ﴿مِنْ شَرِّ مَا خَلَقَ﴾ ﴿٢﴾
﴿وَمِنْ شَرِّ غَاسِقٍ إِذَا وَقَبَ﴾ ﴿٣﴾ ﴿وَمِنْ شَرِّ النَّفَّاثَاتِ فِي الْعُقَدِ﴾ ﴿٤﴾
﴿وَمِنْ شَرِّ حَاسِدٍ إِذَا حَسَدَ﴾ ﴿٥﴾

«Тонг Раббисидан паноҳ сўрайман. У яратган нарсалар ёмонлигидан. Ва кириб келган қоронғи кечанинг ёмонлиги-

дан. Ва тугунларга дам солувчилар ёмонлигидан. Ва ҳасад қилган ҳасадчининг ёмонлигидан, деб айт» (Фалақ сураси).

﴿قُلْ أَعُوذُ بِرَبِّ النَّاسِ﴾ ﴿١﴾ ﴿مَلِكِ النَّاسِ﴾ ﴿٢﴾ ﴿إِلَهِ النَّاسِ﴾ ﴿٣﴾
﴿مَنْ شَرَّ الْوَسْوَاسِ الْخَنَّاسِ﴾ ﴿٤﴾ ﴿الَّذِي يُوَسْوِسُ فِي صُدُورِ النَّاسِ﴾ ﴿٥﴾
﴿مِنَ الْجِنَّةِ وَالنَّاسِ﴾ ﴿٦﴾

«Одамлар Раббисидан... Одамлар подшоҳидан... Одамлар Илоҳидан паноҳ сўрайман... Беркиниб, кўриниб турувчи васвасачининг... Одамлар қалбларига васваса соладиганнинг... Жинлар ва одамлардан бўлганнинг ёмонлигидан, деб айт» (Нас сураси).

Муоз ибн Абдуллоҳ ибн Хубайб раҳимаҳуллоҳ отасидан ривоят қилади. У киши бундай дейди: “Ёмғирли ва зулматли кечаларнинг бирида намоз ўқиб беришлари учун Пайғамбаримиз алайҳиссаломни излаб чиқдик. У зотни топганимизда биздан: **“Намоз ўқидингизми?”** деб сўрадилар. Мен ҳеч нарса демадим. У зот алайҳиссалом: **“Айт”**, дедилар. Мен ҳеч нарса демадим. У зот алайҳиссалом: **“Айт”**, дедилар. Мен ҳеч нарса демадим. У зот алайҳиссалом: **“Айт”** дедилар. Мен: “Ё Расулulloҳ, нима деб айтай?” дедим. Пайғамбаримиз алайҳиссалом: **“Кул ҳуваллоҳу аҳад” ҳамда Муаввизатайн** (Фалақ ва Нас суралари)ни кеч кирганида ва тонг отганида уч мартадан айт. Сенга барча нарсанда кифоя қилади”, дедилар» (Имом Абу Довуд, Имом Термизий ривояти).

(Давоми келгуси сонларда.)
Юлдуз АСҚАР қизи таржимаси

Аёл меҳр билан онадир

Қуръони карим эркагу аёлга, хуру қулга бирдек нозил бўлди. Оятлар сабаб синфий гуруҳлар орасидаги масофалар қисқарди, инсонлар бир-бирига яқинлашди, ғазаб босилди, хиёнат камайди, муҳаббат ва садоқат энг юқори даражага етди. Аёл хизматкорликдан турмуш ўртоқ бўлиш мақомига кўтарилди, буюмдек сотилишдан қутулди. Эркак у билан ўз камчиликларини тўлдирди, у билан бутун бўлди. Оила ҳузур-ҳаловат масканига айланди. Жоҳилият тугади, саодат келди. Жоҳилият даврида қилган зулмидан ҳузурланганлар ҳидоят таъмини тотгач, мазлум ва мазлумаларнинг озодлиги учун курашадиган бўлдилар.

Қуръони карим: **“Эй иймон келтирганлар! Ўзингизни ва аҳли аёлингизни ёқилғиси одамлару тошлардан бўлган ўтдан сақланг...”** (Таҳрим сураси, 6-оят), деб хитоб қилгач, мўминлар хона-

донларига жиддий эътибор қарата бошлашди. Ушбу ҳолат аста-секинлик билан алоҳида оилалардан жамиятга кўчди. Инсонларнинг руҳида ўчмас из қолдирган Абдуллоҳлар, Анас ибн Моликлар ўша уйларда вояга етдилар. Хўш, уларни қандай оналар тарбиялади? У шундай онаки, қиблага юзланиб, саждага бош қўйган, ойнинг шуъласида юзлаб хатмлар қилган ва Қуръонга сидқидилдан, ихлос ила амал қилган!

Аслида, аёл фақат фарзанд дунёга келтириши билан эмас, меҳри билан она.

Она фарзандига хизмат қилишдан чарчамайди ҳам, эринмайди ҳам. “Ярим кечаси нега мени уйғотасан?” деб фарзандини уришмайди. Уйқусида ҳам, уйғоқлигида ҳам боласининг бошини силаган мушфиқ онанинг қўллари ҳамisha меҳридир. Совуқ уйларни ҳам онанинг тафти иситади. Биласизми, мактабдан уйга қайтган бола биринчи бўлиб онасини сўрайди! Меҳрибон онасини кўриши, уни қучоқлаши, мактабда устозидан танбеҳ олган ёки мақтов эшитган бўлса, бунини аввало волидасига айтиши керак. Чунки қалбни кўпроқ она яхши тушунади. Бола тўрт девордан иборат уйни яхши кўришининг сабаби ҳам онасидир.

Бизга оёққа туришни ўргатган ҳам, қавму қариндошларга меҳрли қилиб қўйган ҳам онадир. Касаллик исканжасида азоб чекиб ётган кўз қорачиғи учун жарроҳлик хонаси ортида дуо қилаётган тўқсон ёшли момога куч берган ҳис ҳам оналик туйғусидир...

Аҳроржон ИСКАНДАР ўғли



“Болам, сени яхши кўраман...”

Кўпчилик ота-оналар фарзанд тарбиясида “осон” йўлдан борадилар. Яъни бола айтганини қилмаса, қаттиққўлликни афзал билиб, дўқ-пўписага ўтади. Ҳатто уруши ҳам мумкин.

Психологлар эса бундай тарбия усули энг нотўғри эканини таъкидлашади. Уларнинг билдиришича, бу йўлни тутадиганларнинг аксарияти болалигида кўп алам чеккан, калтакланган кишилар бўлар экан.

Болага илк қўл кўтарганингизда у аввало сизга бўлган ишончни йўқотади. Яъни ўзининг ҳимоячиси, нажот фариштаси деб билган яқини унга зулм қилмоқда. Бу гўдакнинг онгига қаттиқ таъсир этади. Агар бу иш яна такрорланса, болада ўзига бўлган ишонч йўқолади. “Мен ёмонман” деган тушунча пайдо бўлади. Доимий қаттиқ назорат ва унга бўлган салбий муносабатлар ёлғизланиб қолишига ва ўзгалар билан алоқаси сусайишига олиб келади. Шунингдек, унинг шахсиятида шафқатсизлик шакллана бошлайди, яъни бети қотади. Бу эса бола тарбиясининг издан чиқишига олиб келиши ҳам мумкин.

Агар сиз қайсар, дилозор ўғил-қиз улғайтирган бўлсангиз, билингки, айбдор ўзингизсиз, яъни болаларингизни ёшлигида ҳурмат қилмагансиз, яхши кўришингизни айтмагансиз! Хўрланган, меҳр кўрмай улғайган боладан нима кутасиз?! Шундай экан, аввало, ўзингизни тўғриланг, фарзандларингизга жаҳлингизни кўрсатманг, аксинча, мулойимлик билан муомала қилинг.

Чунки динимиз ҳам киши мулойим, кушхулқ бўлиши кераклигини уқтиради.

Ойша розийаллоҳу анҳодан ривоят қилинган ҳадисда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Албатта, Аллоҳ таоло Рафийқ (мулойим)дир, ҳар бир ишда**



мулойимликни яхши кўради”, деганлар (Муттафақун алайҳ).

Шундай экан, агар дилбандингиз яхши инсон бўлишини истасангиз, унга хуш муомалада бўлиб, доим меҳр беринг.

Келинг, шу ўринда тажрибадан ўтган бир тавсия билан танишиб чиқсак. Албатта, бу фарзандни тўғри тарбиялашда кўмак беради, деган умиддамиз.

Бу сўзларни фарзандингизга тез-тез айтиб туринг:

- сени жудаям яхши кўраман;
- нима бўлишидан қатъи назар, ҳеч нимага қарамай, сени яхши кўраман;
- ҳатто мендан хафа бўлган пайтларинг ҳам сени яхши кўрганман;
- баъзида жаҳлим чиқса, мендан ранжи-ма, сени уришиб қўйсам ҳам, барибир сени яхши кўраман;
- биздан узоқда бўлганингда ҳам меҳр-муҳаббатим ҳамиша сен билан бўлади;
- сенга раҳмат, болажоним;
- бугун сен билан ўйнаганим менга жуда ёқди;
- кун давомида энг эсда қоларли воқеа сен билан биргаликда бажарган ишимиз бўлди.

Бу каби сўзлар билан уни қанчалик яхши кўришимизни билдириш. Зеро, доим меҳрли сўзлар билан улғайган бола эртага ўзи ҳам ўзгаларга, айниқса, ота-оналарга меҳрли бўлиб ўсади, иншоаллоҳ.

Зухраҳон ҲАМДАМОВА тайёрлади.

Ўгай она

(Бошланиши ўтган сонларда.)

Тўйни оддийгина ўтказиш таклифи келди. Фотиманинг отаси бу таклифни маъқуллади.

– Хотини яқинда вафот этган одам, дабдабанинг бугун ва умуман ҳожати йўқ, – дедилар.

Фотима ҳам бу таклифни ўринли деб билди. Ҳатто бундан Одилбекнинг тушунган инсон экани кўринарди. Фаросатли инсон бўлмасайди, марҳум хотинининг хотирасини хаёлига ҳам келтирмасди.

* * *

Йиллар бўйи инсон қўли тегмаган, парваришдан узоқ, бегона ўтлардан кўринмас ҳолга келган боғча билан исталган маҳалла ва ҳатто шаҳар аёллари аҳволи ўртасида катта ўхшашлик бор. Бу боғчада меваларнинг кўпи истеъмолга яроқли маҳсулот бўлиб етишиши қийин. Боғбон тарбияси боғча учун бегона эди. Шу сабабдан ҳар ниҳол, ўзича – қандай йўл топса, шундай ўсиб ётарди. Маҳалла аёллари ҳам шундай. Кичик ёшдан қулоқлари тарбия учун бурилмаган, фақат бетакаллуф бир турмушнинг бепарво тарзи қулоқларига қуйилиб, қалбларига қадар ўрнашган.

Шунинг учун улар ҳисларига, орзуларига тўғри келган нарсаларни ўзлари билганича, ўзлари хоҳлаганича қойиллатиб бажаришарди. Фақат ақл ва мантиқ заруратига, ахлоқ ва фазилат амрига келганда лоқайд қолишлари кўзга ташланади. Ўтириб бировни ғийбат қилишда, чоғиштиришда, чақимчиликда, баҳслашишда, уришишда барча маҳоратларини ишга солиб, ўртага чиқарадиганлар кўп. Аммо ўзларини бундан сақлайдиган аёллар оздир.

Аёлларнинг ҳаммаси шундай дейиш инсофдан бўлмаса керак. Улар орасида ҳам

орзу-умидлари, мақсад ва туйғулари, фаолиятларини Аллоҳ ризоси учун қиладиган, иродасини ҳислари қаршисига қудратли бир қўмондон каби оладиганлар бор. Гўё тасодифан ёввойи ўтлар исканжасида қолган ноёб боғ гули каби. Баъзан бу гул атрофини қичитқи ўтлар қоплайди, чирмовиқлар ўрайди, тиканлар қуршайди ва гулнинг ёнига яқинлашиб бўлмас ҳолатга келтиради. Лекин, барибир, унинг хуш бўйи атрофга ёйилишидан, гўзал ранги йироқларга жозиба таратишидан кўз қувнайди, димоғ чоғ бўлади, жон ҳузур қилади.

Фотиманинг турмушга чиқишини эшитиб, табриклагани келганлар орасидаги хонимни ҳам Фотималар маҳалласининг гули дейиш мумкин. Бу хоним Фотиманинг жасоратли қарорини қутлагани ва унга бу қарорда собит қолмоқни ташвиқ қилгани келганди. Икки кунлик ҳузур-ҳаловат учун фазилат ва ҳақиқат йўлини тарк этмасдан, ёлғиз қолиб машаққатларга дуч келса ҳам, сабр этишни маслаҳат ва насиҳат қилгани келган бу аёл хуш қаршиланишга арзигулик, яхши кутиб олинишга муносибдир. Қалби ҳаққа боғланган, ёмонликдан юз ўгирган инсонларда бошқаларга ўхшамаган, порлоқ бир виждон бор. Хоним фазилатсизликни, файзсиз яшамоққа ташвиқни, ҳақсизликни, ҳуқуқсизликни кўрганда қўл силтаб, кўз юмиб кетмайдиган, иложи борича чора топишга, тадбир қилишга киришадиган, ҳеч бўлмаганда ич-ичдан изтироб чекадиган виждон соҳибаси эди. Кўпчилик хато манзил томон кимўзарга шошган бир даврда уларни ҳақ йўлга юришга ундашни амр этган бир виждон соҳибаси эди у. Фотиманинг эшигида бир хоним турарди. Кўринишидан сокинликдан бошқа нарсани ифода этмаган, самимиятдан бошқа нарса ўқилмаган чехрасидан қалбига боқсангиз, вулқонлар



оташли, уммонлар каби безовта бир оламнинг акс этганини кўришингиз мумкин.

Эшик очилди. Қирққа яқинлашган, ўртадан баланд, узунга яқин бўйли, бошини шарф билан яхшилаб ўраган бир аёл кўринди. Ҳеч қачон келмаган, узоқ бир қўшни ташриф буюрди. Фотима ҳар куни бир неча меҳмонлар келишига одатлангани ва уларнинг ташрифи сабабини билгани учун уйига илк бор меҳмон бўлган узоқ қўшнининг ташрифидан ҳайрон бўлмади, уни бегоналардек қаршиламади.

Меҳмон хонимда ҳар кун келадиганларда учрамаган бир хусусият кўзга ташланиб турарди. Ҳаракатларида, туришидаёқ рўпарасидаги одамни ҳурмат билан муомала қилишга мажбур этадиган виқор ва жиддият сезиларди. Бир қаҳва ичгунча қанча “заҳмат чеккани”ни такрорлайдиган ёки минг турда ғийбат қиладиганлардан эмаслиги билиниб турарди. Аёл жимгина қаҳва ичди, ташаккур айтди, Аллоҳ зиёда этсин, дея дуо қилди. Сўнг Фотиманинг турмушга чиқиш ҳақидаги қароридан жуда мамнунлигини айтиб, табриклади. Бу ҳақда суҳбатлашиш мумкин бўлган биронта меҳмон келишига умид қилмаган Фотима шошиб қолгандек бўлди. Меҳмон хоним давом этди: «Фақат, қизим, инсонлик шарафи хайрли қарор қабул қилишдагина эмас, балки турли вазиятлар қаршисида қабул қилинган қарорда сабр билан давом эта билмоқдадир. Бу гўдакларга берадиган ҳар бир луқма таоминг, айтадиган ҳар сўзинг Аллоҳ ҳузурида зое кетмаслигини, қийматли бўлишини унутма. Уларга қиладиган ҳар яхшилигинг Пайғамбарингга қилинган яхшилик эканини ёдингга тут. Билурсанки, у зот ҳам туғилмаслариданоқ оталаридан, олти ёшларида оналаридан етим қолдилар. Етимларнинг кўз ёшларини сенинг меҳр-шафқатинг тўхтатса, сендан бахтли одам йўқдир. Ҳа, бу йўлда анча заҳмат ва азият чекасан. Сабр этсанг, бу заҳматлар эртага раҳмат бўлиб қаршингдан чиқади. Пешона терини тўкиб инсонлигини исбот этганни, Пайғамбари ҳурматига етимларга кўз-қулоқ бўлганни Аллоҳ кўз кўрмаган неъматлар билан сийлайди. Уларга оналари

йўқлигини “Фотима яхши аёл экан”, дейишлари учун эмас, Аллоҳ рози бўлиши учун сездирмасликка кириш».

Фотима қабул қилган қарори учун шу кунга қадар илк маротаба қутланаётганини тушунди. Уйларига илк бор келган бу хонимнинг сўзлари риёдан йироқ, ғоят самимий эди. Кетаётганда, ҳалигача танишиб суҳбатлашмаганидан хижолат бўлиб қўлини ўпаркан, хонимдан дуо қилишини сўради, бу хил насихатларни кутганини билдирди. Кўк юзидаги булутларни шамол атрофга тарқатгани каби инсоний вазифасини ижро этгач, вазмин қадамлар билан уйига йўналган бу хонимнинг орқасидан ердаги чанг-тўзонларни кўкка совурадиган бир шамол турди. Бир онда одам одамни танитайдиган ҳолат вужудга келди. У тўзон ва қуюн ичра сокинлик билан одимлаётгани кўзга ташланиб турарди. Бу манзара Фотимага ботилнинг келиб-кетишини, чанг-тўзон каби эканини, фақат ҳақ қудратли ва боқий қолишини эслатди.

Ким эди бу аёл? Исмини айтишни лозим топмаган, ҳатто айтмасликдан кўнглида ҳузур туйган бир аёл. Сабаби нима эди? Уяладиган иш қилдими ёки “нечун бундай қилдинг?” деб сўраб кетадиганлардан бири эканлиги учун шундай йўл тутганмикан? Албатта, йўқ.

Агар: “Ажабо, бу хоним ушбу ишни Аллоҳ ризолиги учун қилганидан ва фақат У билиши етарли эканига ишонганидан ўзини танитишни истамагандир?” дейилса, жавоб саволнинг ўзида акс этган бўларди.

Инсонда бир дард бор. Амалларини бошқаларга билдириш дарди. Бу дард баъзан тарбия ва одоб доирасидан чиқиб кетади. Инсон бир яхшилик қилади. Фақат бу яхшилик мукофотини Аллоҳдан кутмасдан, бошқаларнинг бошларини қотириб, кулоқларига етказмагунча роҳат топмайди. Келажак насларга қандай етказишади? Бунинг ҳам чораси бор, йўли осон. Дарҳол мармар лавҳага кўрсатилган ёрдам ва ўзининг исмини ёздирди, тамом.

(Давоми келгуси сонда.)

Йўлдош ЭШБЕК таржимаси

Мансурий шифохонаси

1282 йилда ҳукмдор Малик Мансур Қалавон Қоҳирада Ислом оламидаги энг машхур Мансурий шифохонасини қурдирди. Ҳукмдор ушбу ҳодисадан бир мунча вақт олдин ҳашаматли Дамашқ шифохонасида ошқозон санчиғидан батамом тузалганди. Суриялик шифокорларнинг маҳорати тахт ворисида шунчалик кучли таассурот қолдиргандики, ўз ватанида шунга ўхшаш муассасани қуришни дилига тугиб қўйганди.

Ҳукмдор бўлгач, барча кўрсаткичлар бўйича Дамашқдагидан устун бўлган шифохона барпо қилдирди. Дид билан жиҳозланган, хоналари кенг, ўша даврнинг ажойиб асбоб-ускуналари билан таъминланган, малакали шифокорлар фаолият юритган ушбу шифохона катта шухрат қозонди. Унинг моддий таъминоти ҳукмдорликнинг бошқа муассасаларидан энг каттаси эди.

Мансурий шифохонаси Фотимийлар саройида жойлашган бўлиб, 8000 кишига мўлжалланган ётоқхонага эга бўлган (*Bedi N. Şehsuvaroğlu (2012-04-24)*). Ҳар куни 4000 беморга хизмат кўрсатилган (*Mohammad Amin Rodini (7 July 2012)*). Ибн Ухванинг “Ҳисба” асарида қуйидаги амбулаторлик ишлари амалга оширилгани келтирилган (*SharifKaf Al-Ghazal, The Origin of Bimaristans in Islamic Medical History, last accessed 12/9/2014*): шифокор бемордан касаллик сабаби ва у ҳис қилаётган оғриқ ҳақида сўрайди. Таҳлил натижаларига қараб дамлама ва бошқа дори-дармонлар тайинлайди. Кейин беморни олиб келган ҳамроҳига рецептнинг нусхасини ёзиб беради. Эртаси куни у беморни қайта текширади, ўзини қандай ҳис қилаётганини сўрайди. Ҳолатига қараб маслаҳат беради. Ушбу муолажа у тузалиб кетгунча такрорланади.



Тузалса, шифокорга пул тўлайди. Аксинча, вафот этса, унинг яқинлари бош шифокорга муолажа олиб борган шифокорнинг рецептларини тақдим этади. Агар бош врач шифокор ўз ишини пухталики билан бажарган, деб баҳоласа, ўлим табиий эканини айтади; беморнинг вафоти табибнинг нотўғри даволагани оқибатида юз берган, деса, шифокордан қон пули олинишини маълум қилади. Боиси беморнинг ўлими шифокорнинг ёмон ишлаши ва касбига совуққонлиги сабабли юзага келган. Шундай қилиб, шифохонага энг тажрибали шифокорлар жалб этилган.

Мансурий шифохонаси низомида бундай дейилган:

“...Шифохона барча беморларга тўлиқ тузалгунча ёрдам кўрсатади. Одамлар узоқ ёки яқин, маҳаллий аҳоли ёки чет эллик, кучли ёки кучсиз, бой ёки камбағал, иш билан таъминланган ёки ишсиз, кўзи ожиз, жисмонан ёки руҳан касал бўлишидан қатъи назар, барча харажатларни шифохона ўз зиммасига олади. Тўловларни тўламагани учун ҳеч кимга эътироз билдирмайди ва ҳатто билвосита шама ҳам қилинмайди” (*Philip Adler; Randall Pouwels (2007)*).

Мансурий шифохонаси 1915 йилгача шундай шаклда ишлади. Эндиликда эса қадимий шифохона ўрнида офталмология маркази фаолият юритмоқда.

Манбалар асосида
Мунаввар РУСТАМ қизи тайёрлади.



Она меҳри

Келиб қолса, қизларим тўлдиради хонамни,
Ортга қайтиб, хаёллар эслатади онамни.
Онагинам неча бор йўлларимга кўз тикиб,
Паришон ўтиргандир соғинганда энтикиб.

Онам менинг, оқкўнгил меҳрибоним, сирдошим,
“Узоқларга отилган менинг

палахмон тошим”.

Тез-тез бора олмасдим онажоним ёнига,
Қанийди қийналганда жон бўлсам жонига.

Бола-чақа, уйим деб вақт ажратмай онамга,
Онам берган меҳрни мен берибман боламга.
Аҳён-аҳён кўрардим онажоним дийдорин,
Сўнг хотиржам бўлардим

босгандайин хуморин.

Сал эгилган қомати турар эди билиниб,
Нима топса қўярди менга атаб-илиниб.
Кўп соғиндим онамнинг самимий сўзларини,
Тополмадим ҳеч кимдан меҳрли кўзларини.

Борида қадрланглар, онаси бор одамлар,
Сўнг бағрингиз ўртайди онасиз ўтган дамлар.
Тилагим, юзларимиз ёруғ бўлсин Илойим,
Жаннатда онамиз-ла кўриштиргин, Худойим.

Ровияжон ҲАСАНОВА,
Хоразм вилояти



БАДАННИНГ СОЗЛИГИ ҲАСАДНИНГ ОЗЛИГИДАН

Нобуд бўлмасин деб тилидан нодон,
Оғиз бўлди инсон тилига зиндон.

Сўз борки тоққа кўтаради, сўз борки ғор-
га итаради.

Минг оғиз беҳуда сўздан бир луқма нақд
таом яхши.

Бу ердан тур, демаслиги учун жойингни
билиб ўтир.

Қаноатли киши қийинчиликка, виждон-
ли киши бечораликка тушмайди.

Қорин емоқдан завқ олади, ақл эса ҳик-
матдан.

Кўп ейиш оз ейишдан ҳам маҳрум қила-
ди.

Қанчалик мусаффо бўлса ҳамки сув,
Ортиқча ичилса, келтирар қайғу.

Танбалдан сув сўрасанг, табиблик қила-
ди.

Бевафо гўзалдан вафоли чўтир яхши.

Оқнинг оқлигига ишонмай ушлайвер-
санг, оқ ҳам қора бўлиб қолади.

Ота-онаси ўлган одамни эмас, одоб-
ахлоқи бўлмаган одамни етим де.

Хотиннинг сариштаси – одамнинг фа-
риштаси.

Самарқанд вилояти Нарпай тумани
"Манғит" маҳалласи отинойиси
Башорат она БАДИРОВАдан ёзиб олинди.





Идишлар ҳам истиғфор айтади

Раҳматли бобом ва бувим Навоидан бизникига меҳмонга келишса, овқатдан сўнг, доимо идиш-товоқларни ялашар, чой солиб ичишар, бизга ҳам шуни тавсия қилишарди.

Сабабини сўраганимда, бобом раҳматли Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг икки ҳадисларини айтиб берганлар:

1. Нубайшатул Хайр розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Ким бирор идишдан таомланиб, сўнг уни ялаб тозалаб қўйса, идиш унинг ҳаққига мағфират сўрайди”**, дедилар (*Имом Термизий ривояти*);

2. **«Киши овқат идишини ялаб қўйса, идиш унга истиғфор айтиб: “Аллоҳим! Мени шайтон қўлидан озод қилгани каби уни дўзахдан озод қилгин”, дейди»** (*“Жомеул аҳодис”*).

Айримлар: “Идиш ҳам истиғфор айтади-ми?” дейиши мумкин.

Саҳобалар ўз қулоқлари билан овқатнинг тасбеҳ айтаётганини эшитганларида шубҳаланмаганларидек, идиш эгаси ҳаққига истиғфор айтишига ҳам ишониш керак.

Имом Суютий раҳматуллоҳи алайҳи Ҳофиз Ироқий раҳматуллоҳи алайҳдан қуйидагиларни нақл қилади:

“Аллоҳ таоло овқат идишига алоҳида имтиёз ва нутқ пайдо қилган. Шу имтиёз ила идиш мағфират сўраб, дуо қилади”.

Идиш-товоқлардан фойдаланиш ва уларни тоза сақлаш, овқатланиб бўлгач, идишларни ялашнинг ҳам ҳикмати борлигини ўшанда билиб олганман ва амал қиламан.

Афсуски, бугун бу гўзал одат нутилаёзгандек.

Зайнаб НОСИРОВА

Лондон университети олимлари, 500 000 киши иштирок этган тадқиқотлар натижаларига кўра, қуйидаги хулосаларга келишди.

Пиёда юришнинг 7 фойдаси

Пиёда юриш:

1. Асаб тизими – мия фаолияти, ҳаракат тизимини яхшилади, асаб ҳужайраларини кислород билан бойитади, тинчлантиради, уйқу меъёрлашади. Тушкунлик ва паришонхотирлик хавфини 40 фоизгача камайтиради.

2. Юрак-қон томирлар тизими – қон босимини пасайтиради, юрак фаолиятини яхшилади. Оёқ мушакларининг ритмик қисқариши ҳамда бўшашиши қон ва лимфа оқимини фаоллаштиради.

3. Ҳаракат-таянч тизими – модда алмашинувини оширади, ортиқча вазни йўқотади. Бўғимлардаги оғриқни камайтиради, уларни ўраб турган мушакларни кучайтиради.

4. Нафас олиш тизими – ўпка фаолиятини яхшилади. Кўкрак қафаси мушаклари нафас олиш жараёнига жалб қилиниб, кислород алмашинуви 30 фоизга кўпаяди.

5. Овқат ҳазм қилиш тизими – ўт пуфаги ва ичакларнинг тўлқинли ҳаракатларини кучайтириб, ўт қопида тош пайдо бўлиши ва қабзятнинг олдини олади.

6. Эндокрин тизими – ёғларнинг эриши ва углеводларнинг парчаланиши ҳисобига ортиқча вазн йўқолади, қандли диабетнинг олди олинади.

7. Мунтазам пиёда юриш иммунитетни мустаҳкамлайди.

Семиз аёллар худди спортчилардек машқ қилишса, машғулотдан сўнг кучли очлик сезиб, кўп овқат еб қўймакликлари керак.

Ҳар куни камида ярим соат пиёда юриш тавсия қилинади. Муҳими – мунтазамлик. Ҳолатига қараб аста-секин ошириб бориши мумкин.

Феруз ЙИГИТАЛИЕВ,
шифокор

